

Маҳалла

МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ



ШАНБА, 17 ДЕКАБРЬ 2022 ЙИЛ | №50 (2084)

www.xolisnazar.uz @xolis_nazar @xolisnazar

ЭНГ ЧЕККА ҚИШЛОҚДАГИ ЭНГ ОФИР МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПЯПТИ

МУТАСАДДИ РАҲБАРЛАРНИНГ «МАҲАЛЛАБАЙ», «ХОНАДОНБАЙ» ЮРИБ, ОДАМЛАРНИНГ ХОҲИШ-ИСТАКЛАРИ, ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ БИЛАН ТАНИШАЁТГАНИ, МУАММОЛАРИГА ЗУДЛИК БИЛАН ЕЧИМ ИЗЛАНАЁТГАНИ, УЛАРДА ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ҲИССИНИ ОШИРМОҚДА



2-саҳифада.

ЖАРАЁН МЕҲР ЮРАҚДАН ЮРАККА КўЧАДИ



«СИЗЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА КАТТА ҲАРАКАТ БОШЛАДИК. ҲАР БИР ҲУДУДНИНГ ДАРДИНИ БИЛАЙЛИК, ҲАР БИР ИНСОННИНГ ИЧИГА КИРАЙЛИК, ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ УЙҒОТАЙЛИК, ДЕБ ЧУҚУР ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДАМИЗ. ОДАМЛАР ЭРТАГА ЭМАС, ОЛИС КЕЛАЖАҚДА ЭМАС, БУГУН ЯХШИ ЯШАШИ КЕРАК»

3

МИНБАР «ҲАМИША ХАЛҚ БИЛАН БИРГА ВА ҲАР БИР ХОНАДОНДАМИЗ»



НУРОНИЙЛАР САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН 69 ТА ЖАНЖАЛЛИ ОИЛА ВАКИЛЛАРИНИНГ ЮЗ-КўРМАС Бўлиб КЕТИШИНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ. ҚАРИНДОШ-УРУҒЛАР, АКА-УКА, ОТА-БОЛА УРТАСИДАГИ ГИНА УНУТИЛИШИГА ЭРИШИЛДИ

8

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ «ҚАРШИ ТАЖРИБАСИ: ОДДИЙ ВА КУНДАЛИК ОДАТ»



АЙРИМ ТОҒЛИ ҲУДУДЛАР БОРКИ, МАРКАЗДАН 150 КИЛОМЕТР МАСОФАГАЧА УЗОҚДА, ҲАФТАДА БИР ЁКИ ИККИ МАРТА ТУМАН МАРКАЗИГА ТРАНСПОРТ БўЛАДИ, ХОЛОС

4

ХАЛҚ ОРАСИДА

Ишчи гуруҳининг секторлар кесимида «хонадонбай» ўрганишлар натижасида жами 139 та маҳалла, 95 мингга яқин хонадон, 867 ижтимоий соҳа объектлари ўрганилиб, 29 мингдан зиёд муаммоли масалалар аниқланди. Уларнинг ўртача 54 фоизига тезкорлик билан жойида ечим топилди.

ЭНГ ЧЕККА ҚИШЛОҚДАГИ ЭНГ ОФИР МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПЯПТИ

МУТАСАДДИ РАХБАРЛАРНИНГ «МАҲАЛЛАБАЙ», «ХОНАДОНБАЙ» ЮРИБ, ОДАМЛАРНИНГ ХОҲИШИСТАКЛАРИ, ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ БИЛАН ТАНИШАЁТГАНИ, МУАММОЛАРИГА ЗУДЛИК БИЛАН ЕЧИМ ИЗЛАНАЁТГАНИ, УЛАРДА ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ҲИССИНИ ОШИРМОҚДА



Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев топшириғига асосан 24 та вазирлик ва идора раҳбарларидан иборат Республика Ишчи гуруҳи аъзолари вилоятларда шароити оғир бўлган энг чекка қишлоқларда тунаб, аҳоли муаммолари ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш ва ўз жойида ҳал этиш бўйича ишларни бошлаганди.

Тажриба сифатида илк манзил Тошкент вилоятининг Окқўрғон тумани танланган эди. Мазкур тажриба ўзининг ижобий натижаларини бергач, ушбу амалиётни бошқа ҳудудларда давом эттириш кераклиги белгиланди. Навбатдаги манзиллар Андижон вилоятининг Асака тумани ҳамда Фарғона вилоятининг Бешариқ тумани танлаб олинди. Республика ишчи гуруҳи уйма-уй юриб, аҳоли муаммоларини ва ижтимоий-иқтисодий соҳадаги масалаларни ўрганди. Аниқланган камчиликларни имкон қадар ўз жойида ҳал этишга ҳаракат қилинди.

Ишчи гуруҳининг секторлар кесимида «хонадонбай» ўрганишлар натижасида икки туманда жами 139 та маҳалла, 95 мингга яқин хонадон, 867 ижтимоий соҳа объектлари ўрганилиб, 29 мингдан зиёд муаммоли масалалар аниқланди. Уларнинг ўртача 54 фоизига тезкорлик билан жойида ечим топилди.

Ўрганишлар давомида алоҳида эътибор **ижтимоий-иқтисодий аҳоли оғир** бўлган кўмакка муҳтож аҳоли қатлами муаммоларига қаратилди. Жумладан, 116 нафар «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турган хотин-қизларга ўз тадбиркорлигини бошлаш ва ривожлан-

тириш учун бепул ускуна ва жиҳозлар берилди, 79 нафар ёшларга контракт тўлови учун 158 млн. сўм маблағ ажратилди, 83 нафар ёшга 1 млн. сўмдан моддий ёрдам берилди, 233 фуқаронинг бандлиги таъминланди ҳамда 18 та оғир аҳволдаги оилаларнинг хонадонлари таъмирлаб берилди.

Аҳоли соғлиғи муҳофазаси Республика ишчи гуруҳининг доимий эътиборида бўлди. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги 84 нафар фуқарога моддий ва амалий ёрдам кўрсатди, 56 нафар ногиронлиги бўлган шахсларга реабилитация воситалари етказиб берди, 17 нафар фуқарога ногиронлик гуруҳлари белгилади, 84 нафар фуқарога амалиёт ва даволаниш учун йўлланмалар берди, шифохоналарга ётқизди.

Аҳоли яшаш манзилларида **ижтимоий инфратузилмнинг** ҳолатини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилди. «Қият-Сартол», «Қум», «Нурафшон», «Дала-Ҳамид Олимжон» каби 26 та маҳаллада 30 км.га яқин ички йўллар таъмирланди. Шундан, 26,5 км. тупрок йўллар шағаллаштирилди, 3 км. йўлга асфальт ётқизилди.

Электр таъминотини яхшилаш мақсадида «Тоштепа», «Олақанот», «Тувадоқ», «Кужган», «Бахрин», «Мар-

каз», «Улуғбек», «Кўркам» каби маҳаллаларда 10 км.дан зиёд сим-кабеллар тармоғи тортилиб, 342 дона темир-бетон устунлар, 11 та янги трансформатор ўрнатилди. Тадбир бошидан 9 та – «Дўстлик», «Файзобод», «Яккатут», «Қум», «Обод», «Ганбай» каби маҳаллада **ичимлик сув** таъминотини яхшилаш мақсадида 3 та янги сув насоси, 2 та сув минораси ўрнатилди, 143 та хонадон сув тармоғига уланди. Аҳоли талабидан келиб чиқиб, 17 мингдан зиёд **газ баллон** алмаштирилиб, 353 тонна су-ултирилган газ хонадонларга етказилди.

Аниқ мисолларга мурожаат қилсак, Асака туманидаги «Шодлик» маҳалласида яшовчи Озодахон Солиева ва Одинахон Ортиқова тиббий кўриқдан ўтказилиб, зарур дори-дармон билан таъминланди. «Иқбол» кўчасида яшовчи Мухаммадамин Тўлановга қўшимча равишда 500 кг. кўмир берилди. «Камолот» маҳалласидаги Оксана Ткаченко, «Шодлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Илҳом Холбоев, Мурожаат Аҳмедова, Анора Зулунова, Қундузхон Раҳматхунова, Зебо Маллабоева, Ҳамрохон Жумабоевага дори маҳсулотлари тақдим этилди. 31 нафар фуқаро тиббий текширувдан ўтказилиб, натижалари юзасидан мутахассисларнинг тиббий хулосалари берилди.

Шунингдек, «Камолот» маҳалласида жойлашган 35-МТТнинг иссиқлик тизими ва том қисмини таъмирлаш учун 150 млн. сўми, «Нурафшон» маҳалласи ҳудудидаги 36-МТТга 3 та

янги иситиш қозони ўрнатиш учун 75 млн. сўм, 15-, 24-МТТларнинг иссиқлик тизими ва бино том қисмини таъмирлаш учун 75 млн. сўмдан, жами 150 миллион сўм ажратилди.

«Амир Темур» маҳалласи Нажмиддин Кубро кўчасидаги 33-сонли кўп қаватли уйнинг (30 та хонадон) сув насоси ҳамда оқова сув тармоғидаги носозлик тўлиқ бартараф этилди. «Юксалиш» маҳалласининг Янги чек кўчасидаги сифатсиз ички йўлларнинг 200 метри шағаллаштирилиб, 400 метри текисланди. Маҳаллага янги трансформатор ўрнатилиб, бу билан 200 та хонадоннинг электр энергияси ва ичимлик сув тармоғида юзага келган муаммолари бартараф этилди. «Байнабилал» маҳалласи Бибиноним кўчаси ва Н.Назаров кўчаларига 26 дона бетон устун ўрнатиш ишлари бошланди.

«Ҳамдўстлик» маҳалласидаги Иттифоқ кўчаси 2-уйда яшовчи Лим Екатеринага, Қанот кўчаси 14-уйда яшовчи Ҳабибуллох Зулуновга ногиронлар аравачаси ҳамда «Муқимий» маҳалласида истиқомат қилувчи Хурсандбек Расуловга эшитиш мосламаси топширилди. Бундан ташқари тиббиёт соҳаси бўйича 85 нафар фуқароларни мурожаатлари ўз вақтида ҳал этилди. Хусусан, 20 нафар фуқаро туман тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасига, 2 нафари вилоят эндокринология шифохонасига ётқизилди, 53 нафар фуқарога амбулатор ёрдам кўрсатилди.

«Ибн Сино» маҳалласидаги 10 нафар ногиронлиги бўлган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож

фуқарога 18 турдаги дори-дармон воситалари берилди. 45 нафар ишсиз хотин-қизларни қизиқиши бўйича касб-хунарга ўқитиш юзасидан тадбиркорлик марказига тавсия этилди. 6 нафар хотин-қизга ўзини ўзи банд қилиш мақсадида тикув машинаси берилди. «Қадрият» маҳалласи Хумо кўчасида кўп қаватли уйларнинг оқова сув тармоғи яхшиланди.

Бундан ташқари, кам таъминланган, ёлғиз, ўзгалар парваришига муҳтож 25 нафар фуқаро Андижон ва Фарғонадаги сихатгоҳларда саломатлигини тиклаб қайтди. «Ҳамдўстлик» ва «Юксалиш» маҳалла фуқаролар йиғинларидаги Юксалиш ҳамда Тошкенбоев кўчаларининг 1 100 метр ички йўллари шағаллаштирилди.

Эътиборлиси, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги алоҳида сайёр қабуллар ташкил этиб, 190 нафар мурожаатчининг муаммосига ечим топди.

Аҳолини қийнаб келаётган масалаларнинг жойида ҳал бўлаётгани, мутасадди раҳбарларнинг «маҳаллабай», «хонадонбай» юриб, одамларнинг хоҳиш-истаклари, шарт-шароитлари билан танишаётгани, муаммоларига тезлик билан ечим изланаётгани, уларда эртанги кунга ишонч ҳиссини ошириш билан бирга, том маънода фаровон турмуш кечиришларига хизмат қилмоқда.

Жасурбек МЎМИНОВ,
Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги етакчи мутахассиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ВАЗИРЛИК ВАКИЛЛАРИ МАҲАЛЛАЛАР МУАММОСИНИ ЎРГАНМОҚДА

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги маслаҳатчиси **Б.Парпиев** бошчилигида Фарғона вилояти Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи **Б.Ҳолиқов** ҳамда бошқа мутасаддилар вилоятдаги маҳаллаларда бўлиб, аҳоли муаммоларини ўрганмоқда.

Бешариқ туманидаги «Адолат», «Янгиқўрғон», «Янги Қашқар», «Со-биртепа», «Андархон» ва «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинларидаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш

мақсадида хонадонларига бориб, яшаш шароитлари билан яқиндан танишилди. Аниқланган муаммоларни мавжуд имкониятлар асосида ҳал этиш чоралари белгиланди.

– Ушбу ўрганишлар натижасида аҳолини қийнаётган долзарб масалаларга жойида ечим топилмоқда, – дейди **вилоят маҳалла ва ну-**

рунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Б.Ҳолиқов. – Масалан, «Адолат» маҳалласидаги фуқаролар Ҳуснида Рўзалиева, Гулсара Бозоровалар билан бўлган сўхбатда фуқаролар кўмир олишга амалий ёрдам сўради. Ушбу муаммо жойида ҳал этилиб, уларга 500 кг. дан кўмир етказиб берилди.

«Собиртепа» маҳалласи Янгидашт кўчасида яшовчи **Х.Нозимова** ва Мевазов кўчасидаги **Х.Маҳмудова** ун, ўсимлик ёғи ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда «Дўстлик» маҳалласи Бешовул кўчасида яшовчи **М.Абдукаримова** ҳам 500 кг. кўмир маҳсулотини билан таъминланди.

Мухбиримиз.

ТАШАББУС

Хатловдан ўтказилган фуқароларнинг уй-жойларини кўриш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, уйларини таъмирлаб бериш борасидаги ишларни самарали йўлга қўйиш мақсадида вазирлик, бошқарма, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилди ва туманларга бириктирилди.

МЕҲР ЮРАКДАН ЮРАККА КЎЧАДИ

«СИЗЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА КАТТА ҲАРАКАТ БОШЛАДИК. ҲАР БИР ҲУДУДНИНГ ДАРДИНИ БИЛАЙЛИК, ҲАР БИР ИНСОННИНГ ИЧИГА КИРАЙЛИК, ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ УЙҒОТАЙЛИК, ДЕБ ЧУҚУР ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДАМИЗ. ОДАМЛАР ЭРТАГА ЭМАС, ОЛИС КЕЛАЖАКДА ЭМАС, БУГУН ЯХШИ ЯШАШИ КЕРАК»



«Инсон қадри учун» тамойили асосида шароити оғир, кам таъминланган оилаларнинг ҳаёти билан танишиш ва уларга ёрдам кўрсатиш, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли яшаш шароитларини яхшилаш, уларнинг ҳаёт фаровонлигини таъминлаш мақсадида Оролбўйида — Қорақалпоғистон Республикасининг барча туман-шаҳарларида ўзига хос янги ташаббус — «Меҳр ҳаракати»га старт берилди.

Бунда асосий эътибор қулай шароитга эга бўлмаган тураржойларда яшаб, қиш кунлари ўтин, кўмир, даволанишга, дори-дармон, фарзандларига кийим олиб беришга маблағи йўқ, ҳаттоки, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки фуқаролик паспортини олишга имкони бўлмаган оилалар, хонадонларга, ижарада вақтинча кун кўраётган уй-жойсиз, бошпанасиз инсонларга қаратилмоқда.

Бундай оғир шароитда яшаётган фуқароларнинг турмушини яхшилаш мақсадида барча туман марказлари ва овулларда шароити оғир, яшаш даражаси оддий талабларга ҳам жавоб бермайдиган оилалар ўрганиб чиқилди. Хатловдан ўтказилган фуқароларнинг уй-жойларини бориб кўриш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, уйларини таъмирлаб бериш борасидаги ишларни самарали йўлга қўйиш мақсадида вазирлик, бошқарма, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилди ва туманларга бириктирилди.

Хайрия тadbири доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси А.Оринбаев тегишли идораларнинг масъуллари билан биргаликда Қораўзак туманининг чекка овул ва маҳаллаларида яшаётган шароити

оғир, ёрдамга муҳтож оилалар ҳаёти билан чуқурроқ танишди. Уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш бўйича дастлабки вазифалар белгиланиб, ёрдамлар кўрсатилди.

Жўқорғи Кенгеси Раиси чекка ҳудудлардан бири бўлган Қуралпа овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларнинг уйларини бориб кўрди. Аҳоли билан суҳбатлашиб, уларнинг муаммоларини тинглади. Бундай оилаларга маиший буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа бир қатор совғалар топширилиб, кўмир етказиб берилди. 2-сектор раҳбари ҳомийлигида қуриб битказилган 6 та тураржой эгалари билан суҳбатлашилди.

Шунингдек, Жўқорғи Кенгеси Раиси «Есим» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қурилаётган ижтимоий тураржойларнинг қурилиш ишлари билан яқиндан танишди. Кам таъминланган бешта оилани тураржой билан таъминлаш борасидаги ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Худди шундай, А.Оринбаев Нукус шаҳрининг чекка ҳудудларидаги аҳоли билан учрашиб, уларнинг талаб ва таклифларини эшитди. Хусусан, шундай ҳудудлардан бири бўлган «Бестебе» маҳалласи фуқаролари билан учрашиб,

уларнинг турмушида учраётган муаммоларини тинглади, аҳолининг яшаш шароитини ўрганди. Жўқорғи Кенгеси Раиси ҳудудда истиқомат қилувчи Дилбар Сарсенбаева, Гулара Қаржаубаева, Заврехан Ешимова, Жарас Бодиманов ҳамда бошқа фуқароларнинг хонадонларида бўлиб, уларга телевизор, музлатгич, озиқ-овқат маҳсулотларини улашди. Шунингдек, фуқароларнинг уй-жойларини таъмирлаш учун ёрдам бериш, яъни уй томларини ёпиш, иситиш тизимини ўрнатилган бўйича масъулларга аниқ топшириқлар берди.

Лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазири Сағиндиқ Турманов ўринбосарлари билан биргаликда Шуманай туманидаги «Кетенлер», «Дехқонобод», «Айбуйир» маҳаллаларида оғир аҳволда яшовчи фуқаролар ҳолидан хабар олди. Жараёнда эҳтиёжманд оилаларга 10 тонна кўмир тарқатилди, озиқ-овқат маҳсулотлари, ун, ўсимлик ёғи, кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари олиб берилди. Қолаверса, яшаш шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга шифер, ёғоч маҳсулотлари етказилди.

«Меҳр ҳаракати» доирасидаги ташаббуслар Тўрткўл туманида ҳам кенг қўл оч эъди. Ишчи гуруҳлар томонидан тумандаги ижтимоий соҳа объектлари, аҳоли яшаш хонадонларининг қиш мавсумига тайёргарлиги, улар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, шу жумладан, ичимлик сув, электр энергияси ҳамда газ таъминоти юзасидан амалга оширилаётган

ишлар ўрганилди.

Ўрганишлар якунига кўра, 500 га яқин оилада турли даражадаги муаммолар, асосан, кўмир, суюлтирилган газ, уй жойини таъмирлаш, иссиқ кийим-кечак, маиший техника воситалари, дори ва озиқ-овқат маҳсулотларига талаб борлиги аниқланди. Ушбу муаммоларни тез кунда бартараф этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилмоқда. Бугунги кунга келиб, 111 та хонадонга 6 минг 480 килограмм суюлтирилган газ, 34 тонна кўмир, 78 та хонадонга асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, қишқи кийим-кечак, 55 та хонадонга 10 турдаги дори-дармон маҳсулотлари етказилиб, тиббий хизмат кўрсатилди.

Шунингдек, ижтимоий Ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган, яқка-ёлғиз яшовчи ва боқувчисини йўқотган Р.Қозоқова, С.Ғоипова ҳамда Я.Бекчанов хонадонларига борилди. Уларга кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган кийим-кечак, озиқ-овқат, маиший техника воситалари топширилди.

Эзгу ташаббус доирасида Мўйноқ туманидаги «Ёшлар

маркази»да фуқаролар билан очик мулоқот ўтказилиб, турли йўналишдаги масалалар тингланди. Қабул давомида 22 та мурожаат келиб тушди. Шундан 9 таси жойида ижобий ечим топди. Қолган 13 та мурожаат атрофлича ўрганиш талаб қилинган боис мутасадди раҳбарларга кўрсатмалар берилди ва ижроси учун маълум муддат белгиланди.

Бундан ташқари, тадбирда туманнинг 2-сектор ҳудудидан «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланган Д.Қамилова ва Н.Мирзалиевага жиҳозланган ҳолда мулк ҳуқуқи билан уй олиб берилди. «Аёллар дафтари» рўйхатида турувчи Л.Айимбетова, К.Толепбергенова, Д.Амандосова ва Г.Олжабаевага уй шароитида ўзини ўзи банд қилиши учун замонавий тикув ускуналари субсидия тариқасида топширилди. Шундан сўнг, туман ҳудудидаги ижтимоий Ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган ҳамда яқка-ёлғиз Г.Мусаева, Б.Хожаназаров, Б.Асанов ва Қ.Закировнинг ҳолидан хабар олиниб, совғалар ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Умуман олганда, Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида: «Сизлар билан биргаликда катта ҳаракат бошладик. Ҳар бир ҳудуднинг дардини билайлик, ҳар бир инсоннинг ичига кирайлик, эртанги кунга ишонч уйғотайлик, деб чуқур ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз. Одамлар эртага эмас, олис келажакда эмас, бугун яхши яшаши керак», деб таъкидлаган эди. «Инсон қадри учун» тамойили асосида Оролбўйида амалга оширилаётган «Меҳр ҳаракати» доирасидаги хайрия тadbирлари бунинг амалдаги ифодасидир.

Санжар ИБРОҲИМОВ тайёрлади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ҚИШЛОҚ ҚИЁФАСИ ЎЗГАРАЁТИР

Жондор туманида «Обод маҳалла» дастури доирасида ҳар бир маҳаллада босқичма-босқич кенг қўлмали бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, «Занги» маҳалласининг Занги қишлоғида дастур доирасидаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартираётир.

Айниқса, маҳалла марказида жойлашган 520 ўринга мўлжалланган 10-сонли умумий ўрта таълим мактаби айни кунларда ўзгача қиёфага кирган. Айтиш керакки, ушбу билим даргоҳи анча йиллар олдин барпо этилган бўлиб, реконструкция ҳолатига келиб қолган эди. Дастур доирасида ушбу мактаб биносини таъмирлаш ишларига 3 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Қисқа фурсатларда замона-

вий тус олган ушбу мактабнинг ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

Яширишнинг ҳолати йўқ, узоқ йиллардан буён ушбу маҳалла аҳолиси саломатликларини тиклаш ва бошқа тиббий муолажалар учун бошқа ҳудуддаги оилавий шифокорлик поликлиникалари ёки туман марказидаги тиббиёт масканларига қатнаб келишаётган эди. «Обод маҳалла» дастури доирасида ушбу ҳудудда

ҳам ажратилган 230 миллион сўм маблағ эвазига ихчам ва замонавий типдаги оилавий шифокорлик поликлиникаси ишга туширилгани шу ерлик аҳолининг узоғини анча яқин қилди.

4 минг 200 дан ортиқ аҳоли яшаётган «Занги» маҳалласи аҳолиси учун шу кунгача тоза ичимлик сув ҳам муаммо эди. Шу кунларда ушбу маҳаллага 37 километр масофада тоза ичимлик сув қувури тортилмоқда.

Қувонарлиси, тез кунларда маҳалланинг барча хонадонлари тоза ичимлик сув билан таъминланади.

Бир сўз билан айтганда, дастур доирасида маҳалладаги барча ижтимоий объектлар қайта реконструкция қилинмоқда, йўқлари эса барпо этилмоқда. Асосий кўчаларга асфальт ётқизирилиб, ички йўллар бетонлаштирилди. Кўчаларга ёритгич чироқлари ўрнатилиб, эски трансформаторлар янгиланди.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

Иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклланган халқаро муносабатлар тизими ўз таъсир кучини йўқотганини кузатиш мумкин. БМТ халқаро масалаларда кўпроқ кузатувчи мақомида бўлиши ортидан давлатлар ўртасидаги низолар куч ишлатиш механизмлари орқали ҳал этилмоқда.

«ҚАРШИ ТАЖРИБАСИ: ОДДИЙ ВА КУНДАЛИК ОДАТ»

АЙРИМ ТОҒЛИ ХУДУДЛАР БОРКИ, МАРКАЗДАН 150 КИЛОМЕТР МАСОФАГАЧА УЗОҚДА, ҲАФТАДА БИР ЁКИ ИККИ МАРТА ТУМАН МАРКАЗИГА ТРАНСПОРТ БЎЛАДИ, ХОЛОС

Тезкор, қулай, шаффоф... Бугун ҳар бир туман ва шаҳарда ташкил этилган Давлат хизматлари марказлари ана шундай тамойил асосида фаолият юритмоқда. Кундалик турмушимизда тез-тез учраб турадиган мазкур иборалар деярли ҳар бир хонадонга кириб борди, десак адашмаймиз. Аҳолига яратилган барча шароит вақтни тежаш, турли оворагарчилик ва харажатларнинг олдини олиш имконини бермоқда. Энди бу ерда фуқаро вақтини навбат кутиб ўтказмайди.



Масалан, миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларининг янги намуналарини бериш, солиқ тўловчининг идентификация рақамини олиш қисқа фурсатда бажарилмоқда. Ёки жамғариб бориладиган пенсия тизимига рўйхатга туриш энди аввалгидек банкка борилмасдан, марказнинг ўзида узоғи билан бир соатда ҳал бўлмоқда. Юртдошларимиз 20-30 йиллаб эгалик қилмаган уй-жойига мулкдорлик ҳуқуқини тиклаётганидан, манзил-маълумот ахборотларини бир зумда олаётганидан, тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан югур-югурларсиз ўтганидан қувонса, яна кимдир фарзандини боғчага жойлаштириш билан боғлиқ муаммолари, ҳужжатларни расмийлаштириш каби юмушлари ҳам ўз вақтида, самарали ҳал этилаётганидан мамнун. Бундай қулайлик ва имкониятлар ҳақида жуда кўп гапириш мумкин.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

2017 йилда ташкил этилган Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилган хизмат турлари тўрт йил давомида 4,5 баробар ортиб, 37 тадан 176 тага етди. Шу вақт давомида жами 40 миллиондан ортиқ хизмат кўрсатилди. Аҳамиятлиси, кўрсатилган хизматларнинг 50 дан зиёди текин. Бугунги кунда бир кунда ўртача 45-50 минг аҳоли марказлар хизматидан фойдаланмоқда. Эйтиборлиси, фуқаролар оворагарчилигининг олдини олиш мақсадида туман (шаҳар) марказидан 50-100 километр узоқ ҳудудларда 141 та филиал фаолияти йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил ноябрь ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида яна бир та-

шаббус — «Қарши тажрибаси» асосида ҳар бир маҳаллада давлат хизматларини кўрсатиш бурчакларини ташкил этиш ғояси илгари сурилганди. Ташаббус доирасида Қарши шаҳридаги «Шайхали» шаҳарчаси ва «Отчопар» маҳалласида шундай бурчаклар ташкил этилганди.

ТАШАББУС НИМАСИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИ?

«Маҳаллаларга алоҳида бурчаклар нега керак, ана, туман ёки шаҳар марказига улов кўп, бир зумда бориб келиш мумкин, шунга ҳам ходим ёллаб, хона ажратиш шартми?», дейишингиз мумкин. Бироқ, ҳулоса қилишга шошилманг. Айрим тоғли ҳудудлар борки, марказдан 150 километр масофага узоқда, ҳафтада бир ёки икки марта туман марказига транспорт бўлади, холос. Давлат хизматлари марказига бирор юмуш билан борган кишининг ҳужжатида қандайдир камчилик бўлса, уни тузатиш ва яна марказга бориш учун бир ҳафта муддат ўтади.

Айни вазиятларда маҳалланинг ўзида Давлат хизматлари марказининг филиали ёки хизмат кўрсатиш бурчаги ташкил этилса, фуқаролар уйдан узоқлашмасдан шу ернинг ўзидаёқ ишларини битириб, кам-кўстини тўғирлаб, осонгина сарф-харажасиз, вақтини йўқотмасдан ҳал этишлари мумкин бўлади. Уз-ўзидан аёнки, ҳар битта маҳаллада марказ филиалларини ташкил этиш имконсиз, бироқ маҳаллаларда хизмат кўрсатиш бурчакларини йўлга қўйиш мумкин.

Айтиш керакки, ташаббус илгари сурилгач, тажриба нафақат давлат хизматлари олиш кўникмасини ривожлантириш, балки аҳолини қийнаётган масалалар, ҳолатлар ҳақида хабардор бўлишга ҳам ёрдам бериши, яъни ўзига хос қайта алоқа ўрнатишга хизмат қилиши таъкидланган.

Қолаверса, таклиф этилаётган хизмат турлари ва уларнинг сифати, қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор бериш лозимлиги, қайси жараённи энгиллаштириш ёки бекор қилиш ҳақида айнан хизмат истеъмолчисидан фикр олиш имконияти бўлади.

Умуман олганда, давлат хизматлари «қийин ва мутлақо тушунарсиз» жараён тоифасидан «оддий, кундалик одат» даражасига айланишига эришиш — «Қарши тажрибаси»нинг асосий ва бирламчи вазифаси этиб белгиланган.

ЛОЙИХАНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Юқорида таъкидланганидек, тажриба асосида илк бор Қарши шаҳридаги «Шайхали» шаҳарчаси ва «Отчопар» маҳалласида бурчаклар ташкил этилганди.

— Президент ташаббуси маҳалладошларимиз томонидан илиқ қарши олинди, — дейди «Шайхали» шаҳар фуқаролар йиғини раиси Раҳмон Сувонов. — Давлат хизматлари марказининг бир нафар ходими учун маҳалла биносидан алоҳида хона ажратилган. Кундалик муаммолари билан мурожаат қилаётган аҳолига ортиқча оворагарчиликсиз, югур-югурлар, навбатларсиз, қисқа фурсатларда юздан зиёд хизмат турлари кўрсатилмоқда. Очиғи, бу тажрибани барча маҳаллаларда жорий этиш зарур. Боиси ҳамма ҳам давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланишни билвермайди, маҳаллада бундай бурчакларнинг ташкил этилиши одамларга ҳам қулайлик яратади, ҳам соҳага оид хабардорлигини оширади.

Қайд этилишича, жорий йилнинг шу даврига қадар маҳаллада истиқомат қилувчи 6 минг нафардан зиёд аҳолига 200 дан зиёд хизмат кўрсатилган. Фуқаролар, асосан, фарзандларини боғчага

жойлаштириш, никоҳни қайд этиш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича мурожаатлар қилган.

Яккабоғ туманининг олис қишлоқларидан бири «Эски Яккабоғ шаҳарчаси» ва унга ёндош бўлган 5 та маҳалла туман марказидан 18-20 километр, вилоят марказидан эса 120 километр узоқликда жойлашган. Бу ерда 16 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада очилган хизмат кўрсатиш бурчаги туфайли аҳолининг туман марказига бориб келиши учун сарфлаган йўли ва вақти тежаланди.

«Қарши тажрибаси» асосида бошқа вилоятлардаги маҳаллаларда шундай хизмат кўрсатиш бурчаклари фаолияти йўлга қўйилган. Жумладан, Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги «Қолгандарё» маҳалласида ташкил этилган филиалдан яқин-атрофдаги Момоҳон, Найман, Қирқчек қишлоқлари аҳолиси фойдаланади. Худди шундай, Норин туманининг олис ҳудудларидан бири «Норинкапа» ва унга ёндош бўлган 9 та маҳаллада 42 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли давлат хизматларидан фойдаланиш учун шу пайтга қадар йигирма километр йўл босиб, туман марказига боришига тўғри келар эди. Маҳаллада Давлат хизматлари марказининг филиали очилиши ана шу муаммага чек қўйди.

— Ҳаққулобод шаҳрига бориш биз, кексаларга анча қийин, — дейди норинкапалик

Бугун олис қишлоқ ва овулларда ҳам Давлат хизматлари марказларининг филиаллари, йиғин идораларида хизмат кўрсатиш бурчаклари фаолият олиб бораётгани одамлар мушқулини осон қилиш, дарду қувончига шерик бўлиш, қисқача айтганда, халқимизни ҳаётдан рози қилишга қаратилган ислохотларнинг намунасидир. Давлат идоралари одамларга хизмат кўрсатадиган ҳақиқий фурсат етди. Буни бугун барча ўз ҳаётида ҳис қилмоқда, албатта.

Санжар ИСМАТОВ.

Баҳодир ота Шодмонов. — Давлат хизматлари маркази ходимлари маҳалламизга сайёр хизмат кўрсатиш учун келганларида бу ерда ҳам филиал ёки бурчак очилган берган эдик. Эътиборсиз қолдиришмади. Мана, эндиликда нафақат бизнинг маҳалла фуқаролари, балки қўшни йиғинлардаги аҳоли ҳам хизматлардан шу ернинг ўзида баҳраманд бўлмоқда.

Яна бир жиҳат: жорий йил сентябрь ойида муҳомадан ўтказилган Президентнинг «Мурожаатларни кўриб чиқиш ва назорат қилиш жараёнларига рақамли технологияларни кенг жорий қилиш тўғрисида»ги қарори лойиҳасига асосан, 2023 йил январга қадар маҳалла фуқаролар йиғини иштироки бўлган **ижтимоий давлат хизматлари рўйхати** шакллантирилади. 2024 йил январга қадар талабгорлиги юқори бўлган давлат ва ижтимоий хизматларни босқичма-босқич **вилоят марказларидаги маҳаллалар**, 2025 йил январга қадар **туман марказларидаги фуқаролар йиғинлари**, 2026 йил январга қадар республикадаги **барча маҳалла фуқаролар йиғинлари** орқали электрон кўрсатилишини йўлга қўйиш чоралари кўрилади. Бунда фуқаролар йиғинлари иш фаолиятида фойдаланиладиган барча ҳужжат турлари максимал қисқартирилган ҳолда барча ҳужжат алмашинувлари ва ҳисоботлар «Ижтимоий маҳалла» ахборот тизими орқали электрон амалга оширилади.

НИГОҲ

Ҳар бир микромарказ майдони давлат мулки объектнинг 150 квадрат метрдан ёки ер участкасининг 0,1 гектаридан ошмаслиги лозим, белгиланган миқдордан ошганда, бир ҳудудда бир нечта микромарказлардан иборат микромарказлар комплекси ташкил қилиниши мумкин.



МИКРОМАРКАЗЛАРДАН ТАДБИРКОРЛАР ҲАМ, ФУҚАРОЛАР ҲАМ МАНФААТ КЎРЯПТИ

МИКРОМАРКАЗЛАР, АСОСАН, ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАҲАЛЛАЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНИ ҲИСОБГА ОЛСАК, ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ. РЎЗГОРИГА БАРАКА, ОИЛАСИГА ДАРОМАД КИРАДИ, ЭРТАСИГА ИШОНЧ УЙҒОНАДИ

Бугун аҳолига барча ижтимоий хизматлар, тадбиркорлик лойиҳалари, бандликни таъминлашга қаратилган дастурлар ижроси бевосита маҳалланинг ўзида кўрсатилиши зарурлиги таъкидланмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, шу орқали маҳалла инфратузилмаси яхшиланади, саноат, кичик бизнес шу ернинг ўзида ривожланади, одамлар йиғиндан чиқмай, иш топиш, рўзгорини бутлаш имкониятига эга бўлади. Бошқа томондан маҳаллаларда бўш турган кўплаб иморатлар борки, улардан самарали фойдаланиш зарур.

Бу ҳақда сўз борганда, айниқса, хунармандчилик, тикувчилик, косибчилик, қандолатчилик, касаначилик, чорвачилик каби уй шароитидаги кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларини маҳалланинг ўзида кенгайтириш мумкин. Айни жараёнда ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун катта харажат ҳам шарт эмас. Шунчаки ишлар тўғри йўлга қўйилса, маблағлар мақсадли ва манзилли ажратилса, одамларда бунга ижобий муносабат шакллантирилса, шунинг ўзи етарли.

МАРКАЗЛАР ҚАНДАЙ ШАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 июлдаги «Маҳаллаларда саноат, хунармандчилик, касаначилик ва чорвачилик микромарказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида юртимиздаги 421 та маҳаллада юридик шахс мақомига микромарказлар ташкил этилиши белгиланган. Улар учун маҳаллалар ёки маҳаллаларнинг туташ ҳудудларида бўш турган давлат мулки объектлари ёки қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер майдони ажратилади. Ҳар бир микромарказ майдони давлат мулки объектнинг 150 квадрат метрдан ёки ер участкасининг 0,1 гектаридан ошмаслиги лозим, белгиланган миқдордан ошганда, бир ҳудудда бир нечта микромарказлардан иборат

микромарказлар комплекси ташкил қилиниши мумкин.

Қарорга кўра, микромарказлар заруратга қараб ҳар бир маҳалла учун алоҳида ёки бир нечта маҳаллалар учун аҳолига қулай бўлган жойларда ташкил қилинади. Бунда тадбиркорларга ўз маблағлари ҳисобидан ерни реконструкция қилиши ёки капитал таъмирлаш ёхуд ер участкасида бино-иншоотларни қуриши эвазига давлат мулки объектлари электрон аукцион орқали 5 йил муддатга ижарага берилади. Ҳудудда саноат, хунармандчилик, касаначилик фаолият йўналишлари бўйича камида 10 та ёки чорвачилик йўналиши бўйича камида 3 та иш ўрни яратиш ва таъминлаб бориш керак бўлади.

Тадбиркор барча шартларни тўлиқ бажарган, ўз маблағлари ҳисобига ер участкасида қурилган бино-иншоотларга мулк ҳуқуқини расмийлаштириш, давлат мулки объектларини баҳолаш қиймати бўйича (бунда реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш ишларининг харажатлари чегириб ташланади) хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўлади. Микромарказлар фойдаланишга топширилган кундан бошлаб 3 йил муддат давомида уларга нисбатан юридик шахслардан олинган ер солиғи ва мол-мулк солиғи учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдорда қўлланилади. Микромарказларнинг архитектура-режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, зарур ташқи муҳандислик-коммуникация ва транспорт тар-

моқларига улаш ҳамда уларни қуриш республика бюджети, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобига амалга оширилади.

МАРКАЗЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ИШГА ТУШЯПТИМИ?

Қарор иловасига кўра, жорий йилнинг август-декабрь ҳамда 2023 йилнинг дастлабки уч ойи 421 та маҳаллада микромарказлар ташкил этилиши белгиланган. Айтиш керакки, ҳозирда арим маҳаллаларда бундай марказлар фаолият аллақачон йўлга қўйилган бўлса, айримларида ер ажратиш, тадбиркорларни танлаш жараёнлари кетмоқда. Афсуски, ишга тушиш муддати ўтган, ер ажратиш билан боғлиқ муаммолари мавжуд микромарказлар ҳам йўқ эмас.

Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги «Қумғуз» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Элмурод Мирзахоновнинг айтишича, ҳозирда ҳудуддаги 30 сотих ер майдонида 12 та лойиҳа жойлаштирилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунда уларнинг олтитаси ишга туширилган. Уларнинг аксарияти саноат ва хунармандчилик йўналишларига тааллуқли. Қолган лойиҳалар йил охиригача ишга тушади.

— Мебель цехи ташкил этиб, иш бошлаганимизга олти йил бўлди, — дейди тадбиркор Хайрулло Маматалиев. — Аввал ўз хонадонимизда иш олиб борар, жойимиз торлиқдан анча қийналар эдик. Мана энди микромарказдан жой ажратиб берилди. Бир неча турдаги мебельларни тайёр ҳолга келтириб, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги ҳамкорларимизга юборамиз. Улар тайёр жиҳозларни йиғиб, мебель ҳолига келтириб, бозорга чиқаради. Бажарган ишига қараб ҳар бир ишчи ўртача 2-2,5 миллион сўмдан ойлик иш ҳақи олади, цехимизда бепул тушлик қилиб берилади. Бундан ташқари, маҳалламиздаги

мебель тайёрлашга қизиқувчи мактаб ўқувчилари дарсдан бўш пайтларида «устоз-шогирд» аънанаси асосида хунар ўрганишади. Шу тарзда ёшларимизга хунар ўргатиб келяпмиз.

Қашқадарё вилояти Косон туманидаги «Янгиобод» маҳалласида қисқа фурсатларда чорвачиликка ихтисослашган марказ фаолияти йўлга қўйилади. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Васлиддин Исмоиловнинг айтишича, микромарказда 24 та тадбиркорлик субъекти учун 12 сотихдан ер ажратилиши кўзда тутилган. Ҳозирда ташаббускор тадбиркорларни саралаш жараёни якунига етди. Марказ ҳудудига сув, электр тармоғи, йўл тортиш ишлари авж палласида. Йил бошида дастлабки лойиҳалар асосида ишлар бошланиши ва маҳалладаги ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланиши кўзда тутилган.

Хоразм вилояти Урганч туманидаги «Ёшлик» маҳалласида ҳам бу борадаги ишлар бошланган. Қарорга кўра, мазкур ҳудудда ташкил этиладиган микромарказга «Мевазор», «Бўстон», «Арбоблар», «Шодлик» маҳаллалари бириктирилади.

— Микромарказ учун бўш турган бино ажратиб берилди, — дейди «Ёшлик» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Шоира Насруллаева. — Бу ерда тикувчилик, хунармандчилик ва касаначилик асосида 19 та лойиҳа ишга туширилиши керак. Ҳозирда тадбиркорлар ўртасида тендер жараёнлари кетяпти. Бино тайёр, тендер якунланиши билан ишлар бошлаб юборилади. Лойиҳалар ишга тушгач, марказга бириктирилган маҳаллалардаги ишсиз ёшлар, хотин-қизлар ишга жалб этилади. Йил охиригача барча жараёнлар якунланиб, ишлар бошланишини кутяпмиз.

Юқоридаги ҳолатларда ишлар бошлангани яхши, албатта. Бироқ айрим ҳудудларда ҳоким ёрдамчилари ташаббускор тадбиркорларни танлаб бўлган бўлса-да, ҳокимликлар томонидан ер ажратиш билан боғлиқ муаммолар кузатилаётгани, бўш турган биноларнинг марказлар стандартига мос келмаётгани, баъзи маҳаллаларда сўғориш учун мўлжалланмаган ерларнинг йўқлиги каби масалалар ҳам мавжуд. Бундай маҳаллаларда ҳозирда ўрганиш ишлари кетяпти.

Хуллас, қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг айримлари ўз вақтида ишга тушган бўлса, баъзиларида кечикишлар мавжуд. Бироқ нима бўлган тақдирда ҳам қарор ижросига киришилган. Энди ҳақли савол туғилади: хўш, бу марказлар маҳаллага нима беради? Энг аввало, эндиликда маҳаллага саноат кириб боради. Тадбиркор ҳам, оддий фуқаро ҳам манфаатдор бўладиган тизим яратилади. Шунингдек, микромарказлар, асосан, ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда ташкил этилишини ҳисобга олсақ, қанчадан-қанча фуқароларнинг бандлиги таъминланади. Рўзгорига барака, оиласига даромад киради, эртасига ишонч уйғонади. Қолаверса, ҳудудлардаги бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш орқали маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланади. Энг муҳими, энди одамлар яшаш ҳудудидан чиқмай, зарур эҳтиёжларини қоплаши, иш ўрнига эга бўлиши, оиласи фаровонлигини таъминлаши мумкин.

Санжар ИБРОҲИМОВ.

МИНБАР

Маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами тўғрисида батафсил маълумотларга эга «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»нинг юритила бошлагани, ишимизда тартиб ва изчилликнинг янада ортишига сабаб бўляпти.



«МЕҲНАТГА ҲАҚИҚИЙ БАҲОНИ ҲАМИША ХАЛҚ БЕРАДИ»

ОЛИС ҲУДУДЛАР ҚИСҚА МУДДАТДА МУТЛАҚО
ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ, ЭНГ МУҲИМИ,
НАФАҚАТ МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ТАШҚИ
ҚИЁФАСИ, БАЛКИ ОДАМЛАРНИНГ КАЙФИЯТИ,
ТУРМУШ ДАРАЖАСИ, ДУНЁҚАРАШИ ВА ҲАЁТГА
МУНОСАБАТИ ЎЗГАРИБ БОРЯПТИ, ЭРТАНГИ
КУНГА МУСТАҲКАМ ИШОНЧИ ОРТЯПТИ

Инсон учун ўз ватанида яшамоқ, халқига хизмат қилмоқ, унинг қорига ярамоқликдан юксак бахт йўқ. Шукрки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат қилаётган ходимларга шундай бахт насиб этган. Биз ҳар куни халқ ичида, эл орасида бўламиз. Ватандошларимизнинг дарду қайғуси, қувончларига тенг шерикмиз. Ўзгаришлар, ислохотларнинг аини бошида турамыз. Зеро, ҳар қандай янгиланиш маҳалладан бошланади.

**ҲАЁТБАХШ
ЎЗГАРИШЛАР ЙЎЛИДА**
«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари...

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган ушбу ҳаётбахш дастурлар мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантиришга хизмат қилаётди. Биргина Бухоро вилояти маҳаллаларидаги ўзгаришларнинг ўзиёқ қишлоқ ва овулларни ободонлаштириш фуқаролар ҳаётида қандай муҳим ўрин тутушига далолатдир.

Дастурлар доирасида ўтган асрнинг олтинчи-етмишинчи йилларида барпо этилган барак-уйлар, абгор ҳолатдаги қишлоқ ва маҳаллалар қиёфаси тубдан ўзгартирилиб, янги замонавий кўринишга келтирилмоқда. Бундай янгиланишлар жараёнида электр энергияси, табиий газ, ичимлик сув таъминотидан ташқари, тор ва қинғир-қийшиқ кўчалар кенгайтирилиб, асфальт ва шағал ётқизилмоқда.

Рақамларга юзлансак: ўтган вақт давомида 172 км. ички йўлларга асфальт ва бетон ётқизилди, 208 км. қум-тупроқ йўллар шағаллаштирилди, 33,1 км. пиёдалар йўлаклар қурилди. 309,3 км. ичимлик сув, 111,9 км. электр энергияси тармоғи тортилди, 9 та автобекат, 16 та болалар майдончаси, 20 та спорт майдончалари, 8 та болалар боғчаси, 18 та мактаб, 12 та тиббиёт муассасаси, 2 та маҳалла биноси, 1 та маҳалла гузари қурилди.

Яширишдан не ҳожат, яқин йилларгача айрим ҳудудларга эътибор сустиги оқибатида аҳолининг турмуши бугунги тараққиёт мезонларидан анча ортда қолган эди. Бугун юқоридаги ишлар натижасини кўрган кишининг қалби завққа тўлиб,

«қаровсиз қолган жойларда ҳам ана шундай эзгу ишларни амалга ошириш мумкин эканку», дея шукроналар айтмоқда. Боиси олис ҳудудларнинг қисқа муддатда мутлақо замонавий қиёфа касб этгани, энг муҳими, нафақат маҳаллаларнинг ташқи қиёфаси, балки одамларнинг кайфияти, турмуш даражаси, дунёқараши ва ҳаётга муносабати ўзгариб, эртанги кунга мустаҳкам ишонч пайдо бўлганидир.

**БИНОСИЗ ЙИГИН —
ҚАНОТСИЗ ҚУШ... (МИ?)**

Шароит бўлмаган жойда самарадорлик ҳам бўлмайди. Очиғи, биносиз йигинлар масаласи йиллар давомида бизни қийнаб келганди. Аксарият маҳаллалар қайсидир ташкилотнинг кичкина хонасида, ёки бўлмаса, мактаб, шифохона, ҳатто раисларнинг уйида фаолият юритгани бор гап. Мисол учун, жорий йил бошида ўтказилган хатловда 154 та маҳаллада бино бўйича муаммо борлиги, яъни уларнинг 136 таси ўз биносига эга эмаслиги, 19 тасининг биноси яроқсиз ҳолатдалиги, 239 та маҳалла биносига иситиш тизими умуман йўқлиги аниқланди.

Йил давомида аини масалалар ечим топмоқда. Бугунча Президент, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Давлат дастурлари ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ёрдамида 49 та маҳалла биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 2022-2023 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган «йўл харитаси»да яна 70 та янги бино қуриш, 14 та реконструкция ва 8 та бинода мукамал таъмирлаш масалалари қўйилиб, ўз ечимини топмоқда.

Бундан ташқари, маҳал-

лаларнинг 386 тасида мебель жиҳозлари, 373 тасида компьютер жамланмаларининг етишмаслиги, 277 тасида симли алоқа (телефон) тармоғида муаммо мавжудлиги аниқланган бўлиб, ушбу муаммолар вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ёрдамида 2023 йил охиригача тўлиқ бартараф этилади. Маҳалла биноларининг 93 тасида кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлиб, қолганларини ҳужжатлаштириш ишлари жорий йил охиригача амалга оширилади.

**«БИР БОЛАГА ЕТТИ
МАҲАЛЛА ОТА-ОНА»**

Ечимини кутаётган масалалар маҳалладан ташқарига чиқмаслиги учун, аввало, ўша ҳудуд фаоллари етарлича малага ва ҳаётини тажрибага эга бўлиши шарт. Шу билан бирга, ҳар биримиз фуқаролик бурчимизни адо этишимиз, бошқаларга ўрнак бўлиб, фарзандлар тарбиясига алоҳида аҳамият қаратмоғимиз зарур. Бу борада вилоятда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳар бир маҳаллада «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари ва вилоят ҳамда туман (шаҳар) ларда 15 нафардан иборат таркибда «Нуронийлар жамоатчилиги кенгаши»лари ташкил этилган бўлиб, улар томонидан бугунги кунгача бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Хусусан, «Бир нуроний ўн ёшга масъул» тамойили асосида 783 нафар кекса авлод вакили 5 911 нафар тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож, уюлмаган ва ишсиз ёшларга бириктирилди. Қолаверса, 128 та ажралиш ёқасига келиб қолган оилалар билан 462 нафар, ичкиликка ружу қўйган 14 нафар шахс билан 78 нафар нуроний онахонлар алоҳида шуғулланди.

Маҳаллаларда ҳожи отоналар томонидан махсус рўйхатдан чиқарилган 120 нафар, 927 нафар нотинч оилалар аъзолари билан мулоқотлар ўтказилди. Фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи 164 нафар ота-она кекса авлод вакиллари билан таклифлари асосида рўйхатдан чиқарилди.

«Оила — муқаддас даргоҳ» широри остида ўтказилган тадбирларда нуронийлар иштирокида 118 та нотинч оила яраштирилди. Қолаверса, 120 нафар вояга етмаганлар профилактика ҳисобдан чиқарилди, спиртли ичимликка ружу қўйган 115 нафар шахснинг бундай иллатдан халос бўлишига эришилди.

Эҳтимол, бу каби ишлар ким учундир арзимас, ҳатто айтиш ҳам жоиз бўлмаган юмуш бўлиб кўринар. Аммо ажодларимиз «бир болага етти маҳалла ота-она» деган нақлга амал қилиб яшаганини ва бу қадрият кейинги йилларда унут бўлиб бораётганини ҳисобга олсак, бугунимиз учун нақадар аҳамиятга эга тадбир эканини англаш мушкул бўлмайди. Зеро, бугун ёшларни, низоли оилаларни муаммосини ҳал этиш орқали маҳаллалар тинчлигига, юрт фаровонлигига эришиш мумкин.

**«ТЕМИР ДАФТАР» —
ТЕМИР ҲИМОЯ ДЕМАКДИР**

Очиғини айтганда, маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами тўғрисида батафсил маълумотларга эга «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»нинг юритила бошлагани, ишимизда тартиб ва изчилликнинг янада ортишига сабаб бўляпти. Биз ҳар бир маҳалла, кўча кесимидаги вазиятдан ҳабардормиз. Оилаларнинг даромади, яшаш шароити, қандай камчилиги борлиги ва қанча ёрдам бериш мумкинлигини биламиз.

Маҳалла фаоллари бундай

фуқаролар, оилаларни камбағалликдан чиқариш, бор имкониятлардан фойдаланиб, меҳнат қилиб, кўп даромад олишга ўргатиш бўйича аниқ режа асосида иш олиб борилади. Касбга ўргатиш, тадбиркорликка жалб қилиш, томорқадан унумли фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш, бирор ташкилот, корхонада иш билан таъминлаш режанинг бир қисми, холос. Асосий мақсадимиз эса дафтарлардаги оилаларнинг фикрлаш тарзини ўзгартириш, барокат — ҳаракат, ҳаракат ва яна ҳаракатда эканини тушунтиришдан иборат.

Рақамларга юзланамиз: шу вақтгача кўрилган чора-тадбирлар натижасида 43 606 та оила «Темир дафтар»дан чиқарилди. «Аёллар дафтари»га киритилган 34 852 нафар хотин-қизнинг 15 087 нафари янги иш ўринлари ва жамоат ишларига жойлаштирилди. 2 390 нафарига тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари учун имтиёзли кредитлар ажратилди. 184 нафар хотин-қиз уй-жой билан таъминланди, 101 нафарига ижара компенсацияси тўланди. 181 нафарига томорқадан унумли фойдаланиш учун ёрдам берилди. «Ёшлар дафтари»га киритилган 8 327 нафар йигит-қизнинг 136 нафари ишли бўлди, 82 нафарига кредитлар, 2 489 нафарига субсидиялар, 1 773 нафарига экин майдонлари ажратилди. Жорий йил 1 октябрь ҳолатига кўра, жами 14 495 нафар фуқаро касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилди.

Обод маҳалла одамларининг қалби ҳам обод, маданияти ҳам юксак бўлади. Бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламда олиб борилаётган ободончилик юмушлари Бухорода ўз аксини топаётгани барчани хурсанд қилмоқда. Ҳаттоки, эскича фикрлаш ва яшашга кўникиб қолган айрим одамлар кўз ўнгига содир бўлаётган бундай янгиланишлардан ҳайратга тушмоқда. Демак, халқимизни рози қилиш энг эзгу муддаомиз экан, ҳар биримиз зиммамизга олган масъулиятни ҳис этишимиз, бурчимизни тўла оқлашимиз керак. Зеро, эл дуоси бошга тож дейдилар...

**Аҳрор ҒУЛОМОВ,
Бухоро вилояти Маҳалла ва нуронийларни
қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи.**

ТАРАҚҚИЁТГА ЮЗ ТУТИБ...

Вилоят миқёсида маҳаллаларда мавжуд компьютер техникаси ва бошқа техника воситалари билан таъминланганлик ҳолати ўрганилди. Ўтказилган хатлов жараёнида вазирлик тизимида жами 236 тадан 226 та ҳамда маҳаллаларда 336 тадан 226 та яроқли компьютер техникаси борлиги аниқланди.



СИРДАРЁДА ИНТЕРНЕТГА УЛАНМАГАН МАҲАЛЛАЛАР ҚОЛМАДИ

АЙРИМ МАҲАЛЛАЛАР ТУМАН МАРКАЗИДАН ОЛИСДА ЖОЙЛАШГАН БЎЛИБ, ЯҚИНГАЧА ОДДИЙ БИР ВАРАҚ МАЪЛУМОТНИ ТОПШИРИШ ЁКИ ОЛИБ КЕТИШ УЧУН КУНЛАБ ВАҚТ САРФЛАНАРДИ. БУГУН ЭСА АЙНАН ЗАМОНАВИЙ ВОСИТАЛАР, ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ БУ ИШЛАР ОСОН ВА ЖОЙИДА ҲАЛ БЎЛМОҚДА

Маҳалла тизими халқ билан ишлайдиган, унинг оғирини енгил қилиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишда кўмаклашадиган тузилма. Тизимнинг борлигининг моҳияти ҳам шунда. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари бу ҳақиқатни яхши англайди. Аҳоли розилигини олиш — асосий мақсадимиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 5 октябрдаги фармони асосан, «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси, шунингдек, 2020-2022 йилларда уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланган бўлиб, ҳудудларни ва тармоқларни рақамлаштириш назарда тутилган. Шунингдек, «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси»да муҳим соҳаларни рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Маҳалла тизимини рақамлаштириш, бунда фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини ҳам мустаҳкамлаш инobatга олинган. Хўш, юқоридаги ҳужжатларда белгиланган ишлар қай даражада бажари-

рилди? Маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари бугун ҳақиқатда иш фаолиятида рақамлаштириш ислохотларини ҳис қиляптими?

Айни жараёнларни Сирдарё вилояти мисолида айтиладиган бўлсак, бугунги кунга келиб, вилоят Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага ахборот-технологияларининг илғор тажрибаларини татбиқ этишга катта эътибор берилмоқда.

Ахборот-технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳудудий бошқармаси билан биргаликда маҳаллаларни интернет тармоғига улаш бўйича

ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, барча йиғинлар хатловдан ўтказилиб, хатлов жараёнида 236 та маҳалладан барчаси интернетга улангани аниқланди.

Шунингдек, бошқармамитомонидан маҳалла раисларининг бу борадаги билим ва малакасини ошириш мақсадида 236 нафар йиғин раисининг рўйхати шакллантирилиб, Ахборот-технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳудудий бошқармасига тақдим этилди.

Қолаверса, вилоят миқёсида маҳаллаларда мавжуд компьютер техникаси ва бошқа техника воситалари билан таъминланганлик ҳолати ўрганилди. Ўтказилган хатлов жараёнида тизимда жами 236 тадан 226 та ҳамда маҳаллаларда 336 тадан 226 та яроқли компьютер техникаси борлиги аниқланди. Хатлов натижасига кўра, компьютер техникаси ва оргтехника воситасини харид қилиш ва янгилаш бўйича тех-

ник иқтисодий ҳисоб-китобларни ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўз навбатида, маҳалла фаолиятида юритилаётган ҳужжатлар ва ҳисоботлар хатловдан ўтказилиб, жараёнда 15 турдаги ҳужжатлар ва 10 турдаги ҳисоботлар юритилиши аниқланди. Хатлов натижасига кўра, мазкур ҳужжатлар ва ҳисоботларни рақамлаштириш бўйича таклифлар тайёрланмоқда.

Хўш, фуқаролар йиғинларининг ахборот-коммуникация воситалари ва интернет билан таъминланиши нима берди?

Босқичма-босқич олиб борилаётган рақамлаштириш жараёнида, **биринчидан**, туман бўлимларининг маҳалла фуқаролар йиғинлари билан маълумотлар алмашинуви, ҳисобот жадвалларини топшириш, тезкор хабарларни етказиш ва, айниқса, масофадан туриб, маҳалла раислари билан видеоконференция шаклида семинар, йиғилиш ўтказишга

қулай шароит яратилди.

Иккинчидан, айрим маҳаллалар туман марказидан олисда жойлашган бўлиб, яқингача оддий бир варақ маълумотни топшириш ёки олиб кетиш учун ҳам кунлаб вақт сарфланарди. Бугун эса айнан замонавий воситалар, интернет тармоғи орқали бу ишлар осон ва жойида ҳал бўлмоқда. Маҳалла раислари туман марказига келишлари учун соатлаб вақт кетказишга ҳожат қолмади.

Умуман олганда, тизим моддий-техника базасининг мустаҳкамланаётгани иш фаолиятининг самарали ташкил этишда қўл келмоқда. Ходимларга қулайлик яратилиб, фуқароларимизнинг у ёки бу масала юзасидан қилган муурожаатларини имкон қадар тез ҳал этишга эришилмоқда.

Ўлмасжон МАМАДАМИНОВ, Сирдарё вилояти Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ХАТЛОВ — МУАММОЛАРНИ АНИҚЛАШДА ЭНГ ҚУЛАЙ МАНБА



Айни кунларда Учқўрғон туманининг барча маҳаллаларида «хонадонбай» усулда хатлов ўтказиш ишлари давом эттирилмоқда.

«Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да бошланган шу мазмундаги ҳаракатлар туфайли аҳолининг кўплаб муаммолари аниқланди ва уларга ечим изланди. Қайсидир жойда сув, қаердadir электр энергияси, йўл ва бошқа масалалар қатори фуқароларнинг шахсий муурожаатлари ҳам рўйхатга олинди, ҳал этиш чоралари кўрилди.

— Учқўрғон тумани сектор раҳбарлари бошчили-

гида 1-секторда 9 372 та, 2-секторда 7 569 та, 3-секторда 9 299 та, 4-секторда 8 781 хонадон хатловдан ўтказилади, ҳозиргача 15 мингдан ортиқроғига кирилди, — дейди **Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Муҳиддин Маҳкамов**. — Шу билан бирга, 14-30 ёш оралиғидагилар учун алоҳида хатлов ҳужжатлари тўлдириляпти.

Ғулор ХИДИРОВ.

КОММУНАЛ СОҲА МУАММОЛАРИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Об-ҳавонинг кескин совиб кетиши натижасида жойларда юзага келаётган муаммоларни бартараф этишда Андижон вилояти маҳаллаларида туну кун ишлар олиб борилмоқда. Жараёнда фаоллар маҳаллалар, хонадонлар кесимида уй-жой, коммунал хизмат, тиббий ёрдам каби барча соҳалардаги муаммоларни назорат тартибида ўрганиб бормоқда.

Яқинда Пахтаобод туманидаги «Навбахор» ва «Бўстонабод» маҳаллаларидаги аниқланган камчиликлар бартараф этилди. «Навбахор» маҳалласидаги Наврўз оилавий шифокорлик пункти, 24-мактабгача таълим муассасаси ва 31-умумтаълим мактабидаги иситиш тизими ҳолати кўздан кечирилиб, мутасаддиларга иситиш тизими ишлаши меъёрида ушлаб туриш ва салбий ҳолатларга йўл қўймаслик борасида топшириқлар берилди.

23-умумтаълим мактаби «Бўстонабод» маҳалласида жойлашган бўлиб, масъуллар ушбу таълим масканида иситиш тизими фаолиятини ўрганиб, зарур



кўрсатма ва топшириқларни бериши.

Бўстон туманига бириктирилган мутасаддилар маҳаллалардаги ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни жойида бартараф этишга эришмоқда. «Дўстлик» ва «Пиллакор» маҳаллаларига янги электр тақсимлагичлар ўрнатилди. Шунингдек, Балиқчи туманидаги «Жасорат», «Ботир», «Захкаш», «Ифтихор», «Баркамол» ва «Қумтепа» маҳаллаларидаги ижтимоий соҳа объектлари ҳолати кўздан кечирилди.

Мансур ЎРОЛОВ, ЎзЖОКУ магистранти.

КЎЗГУ

Навоий шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари Президентимизнинг кабинетлардан чиқиб, одамлар орасида бўлиш, муаммоларни бевосита жойида ҳал этиш бўйича берган топшириқлари мазмунини чуқур англайди.



«ҲАМИША ХАЛҚ БИЛАН БИРГА ВА ҲАР БИР ХОНАДОНДАМИЗ»

НУРОНИЙЛАР САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН 69 ТА ЖАНЖАЛЛИ ОИЛА ВАКИЛЛАРИНИНГ ЮЗ-КЎРМАС БЎЛИБ КЕТИШИНING ОЛДИ ОЛИНДИ. ҚАРИНДОШ-УРУҒЛАР, АКА-УКА, ОТА-БОЛА ЎРТАСИДАГИ ГИНА УНУТИЛИШИГА ЭРИШИЛДИ

Маҳалла тизими халқ билан ишлайдиган, унинг оғирини енгил қилиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишда кўмаклашадиган тузилма. Тизимнинг борлигининг моҳияти ҳам шунда. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари бу ҳақиқатни яхши англайди. Аҳоли розилигини олиш — асосий мақсадимиз.

МУРОЖААТЛАР ВАҚТИДА ҲАЛ ЭТИЛИШИ КЕРАК

Фаолиятимиз давомида турли инсонлар билан гаплашамиз, мулоқатга киришамиз. Уларнинг дардларини эшитамиз. Барчага бирдек кўмаклашишга ҳаракат қиламиз. Бу борада бошқа қатор органлар билан чуқур ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мисол учун, йилнинг ўтган даврида бизга 375 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг ҳар бири қатъий назоратга олиниб, қонуний ечим топилишига эришилмоқда. Оилавий муаммолар, иш билан таъминлаш, ҳудудлардаги ижтимоий масалалар мурожаатлар асосида ҳал этилмоқда. Юқорида кўрсатилган мурожаатларнинг 89 таси, яъни 23,7 фоизи ижобий ҳал этилган бўлиб, 286 та мурожаатга тушунтириш ҳамда ҳуқуқий маълумот берилган.

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган ногиронлиги бўлган шахсларга берилган ёрдамларни таҳлил қиладиган бўлсак, ижтимоий дафтарлар ва реестрдаги ногиронлиги бўлганлар сони 150 нафарни ташкил этади. Шулардан барчасига психологик

ва тиббий ёрдамлар берилган, 65 нафари ҳуқуқий ёрдам олган, реабилитация воситалари бериш орқали 24 нафарига ёрдам кўрсатилган, 128 нафарининг бандлиги таъминланган. Субсидия бериш орқали 98 нафар фуқарога ёрдам кўрсатилган ҳамда Навоий шаҳридаги «Ишга марҳамат» моно-марказида ўқитилганлар сони 98 нафарни ташкил этади.

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари»га киритилган фуқароларга ўзини ўзи банд қилиш учун зарур дастгоҳлар, жумладан, тикув машиналари, пайвандлаш дастгоҳлари ва бошқа анжомлар топширилмоқда.

НОГИРОНЛИГИ БОР ШАХСЛАР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

Шаҳримизда ижарада яшовчи 55 нафар ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий, психологик, ҳуқуқий ҳамда моддий ёрдамлар кўрсатишга эришилди. Шулардан 35 нафарининг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, уларни уй-жой билан таъминлаш масаласида ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг уй-жойларини

ногиронларга мослаштириш, кириш жойларга пандуслар ўрнатиш, кўзи ожизларни мосамалар билан таъминлаш ва бошқа чора-тадбирлар жадал суратларда бажарилмоқда. Йилнинг ўтган даврида 2 713 нафар ногиронлиги бўлган шахсларнинг уй-жойлари, яшаш масканлари шу каби ва бошқа мосламалар билан таъминланди. 1 987 нафарига моддий томонлама ёрдам кўрсатилган.

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНМОҚДА

Шаҳримизда истиқомат қилаётган нуронийларни эъзозлаш, уларга ҳар томонлама қулай шароитларни яратиш — бўлимимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида 6 нафар нуроний «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланди, шундан 4 нафарига I-даражали, 2 нафарига II-даражали кўкрак нишони ва пул мукофотлари берилди.

Кексаларни ижтимоий фойдали ишларга жалб қилиш ишлари эътибордан четда эмас. Зеро, ҳар бир инсон, у хоҳ ёш, хоҳ кекса бўлсин, жамият билан тирик. Арофдагиларга фойда келтиргиси келади. Ҳаётнинг, яшашнинг мазмуни ҳам шунда. Шу нуқтаи назардан «Бир нуроний ўн ёшга масъул» тамойили асосида шаҳарнинг 72 нафар нуронийсига 580 нафар тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож ва уюлмаган ёшлар-

га бириктириб берилди. 358 марта «Уч авлод учрашуви» тадбири ўтказилиб, уларда 10 085 нафардан ортиқ кекса авлод вакиллари ҳамда 11 258 нафар ёшлар иштирок этишди. Шаҳарда «Нуронийлар жамоатчилиги кенгашлари», маҳаллаларда «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари ва «Бувижонлар мактаби» жамоатчилиги тузилмалари фаолият юритмоқда.

Мазкур тузилмаларнинг саъй-ҳаракати билан 69 та жанжалли оила вакиллари юз-кўрмас бўлиб кетишининг олди олинди. Қариндош-уруғлар, ака-ука, ота-бола ўртасидаги гина унутилишига эришилди. Тотувлик таъминланди. 83 нафар ичкиликка ружу қўйган шахсларни тегишли тиббий муассасаларда даволаш, уларни тўғри йўлга солиш ва иш билан таъминлаш бўйича чоралар кўрилган. Ажралиш ёқасига келиб қолган 145 та оиланинг 135 таси яраштирилди. Кам таъминланган оилаларнинг 17 нафар фарзандларига суннат тўйлари ўтказиб берилди.

ОБОД МАҲАЛЛА — ТИНЧЛИК ГАРОВИ

«Обод маҳалла» дастурларига тушган «Янгиобод», «Зарафшон» маҳаллаларида дастур доирасида йўлларни асфальтлаш, янги симёғочлар, кўча чироқлари ўрнатиш, ичимлик суви, газ қувурларини таъмирлаш ва янгилаш

ишлари якунига етиб қолган. Жиноятчиликнинг олдини олиш борасида вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида тегишли чора-тадбирлар белгиланган. «Қизил» ҳамда «сарик» тоифага кирган маҳаллалар билан манзилли ишлаш орқали жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг камийишига эришилмоқда.

Юқоридагилардан ташқари, китобхонликни тарғиб қилиш, ватанга муҳаббат, ижодий мотиваторлик каби мавзуларда қатор маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилган.

Албатта, амалга оширилган ишлар юқоридагилар билан чекланиб қолмайди. Аммо уларнинг барини бир мақолада санашнинг имкони йўқ. Навоий шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари Президентимизнинг кабинетлардан чиқиб, одамлар орасида бўлиш, муаммоларни бевосита жойида ҳал этиш бўйича берган топшириқлари мазмунини чуқур англайди. Бизда галстук тақиб хонада ўтирадиган ходимлар йўқ. Ходимларимиз ҳамisha халқ билан бирга. Уйлайманки, амалга ошираётган ишларимиз самараси аҳоли розилиги мисолида ўз ифодасини топади.

Юнусжон ЭШМУРОДОВ,
Навоий шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

МАНЗАРА

Кейинги пайтларда оилавий «қўйди-чиқди» масалалари билан кўпроқ хотин-қизлар фаоллари шуғулланыпти. Аммо бу маҳалла раислари, фаолларининг ҳам бевосита вазифасидир. Зеро, ажралиш бўлган маҳалладан барака кетади. Етимлар кўпаяди.

«ҲОЗИР ҲЕЧ КИМ ИДОРАДА УТИРАЁТГАНИ ЙЎҚ»

ТУРИСТЛАР МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА СЎРГАНИДА УЯЛИБ ҚОЛАРДИК. МЕҲМОННИ ҚАЙСИ ИДОРАГА ОЛИБ БОРИШНИ БИЛМАСДИК. ЧУНКИ УЛАРНИНГ ЯРМИ МАКТАБ, БОҒЧАЛАР БИНОСИДА ЖОЙЛАШГАН БЎЛСА, ҚОЛГАНИ ИЖАРАДА, НУРАГАН БИНОЛАРНИ ЭГАЛЛАГАН ЭДИ...



Гапни индаллосидан бошласам. Жорий йил Хива шаҳар Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари учун жуда баракали келди. Кўплаб натижаларга эришдик. Энг аввало, раисларимизнинг моддий-техник шароитини яхшилаш борасида қилинган ишлар мақтанишга арзийди. Умуман, Хива шаҳри алоҳида маъмурий ҳудудий бўлинма сифатида Хива туманидан ажралиб чиққанига эндигина уч йил тўлди. Уша пайтларда мавжуд 21 та маҳалламизнинг фақатгина 2 тасининг ўз биноси мавжуд эди. Улар ҳам таъмирталаб, яроқсиз ҳолатда бўлган...

Тўғриси, шаҳримиз республикамизнинг муҳим туризм марказларидан бири ҳисобланади. Оддий сайёҳлар дейсизми, давлат даражасида ташриф буюрган меҳмонлар дейсизми, барчаси Хивага келиб, тарихий шаҳарни бир кўриб кетишлари аниқ. Шундай пайтларда дунёда ягона, ўхшаши йўқ, деб мақтаниладиган маҳалла тизими тўғрисида сўралганида уялиб қолардик. Меҳмонни қайси идорага олиб боришни ҳам билмаймиз. Чунки уларнинг ярми мактаб, боғчалар биносида жойлашган бўлса, қолгани ижарада, нураган биноларни эгаллаган эди. Умумий гаплар билан вазиятдан чиқиш, гапни чалғитишдан у ёғига ўтолмаганмиз.

Шукрки, кейинги пайтларда вазият тубдан ўзгарди. Шахсан Президентимизнинг топшириғи доирасида фуқаролар йиғинларини замонавий шароитларга эга бинолар билан таъминлаш бўйича ислохотлар бошланиб кетди. Ўтган давр мобайнида ўз биносига эга бўлмаган 19 та йиғиннинг 13 таси учун замонавий шароитларга эга бинолар қуриб фойдаланишга топширилди. Муҳими, бу жараёнда барча биноларнинг қулай жойлашуви, алоқа тизимларига уланишига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир ходим компютер техникалари, алоҳида хоналар билан таъминланди. Турли тадбирлар, мажлислар ўтказиш учун мос заллари проекторлар, видео-намойиш мосламалари билан жиҳозланди.

Бугун маҳаллалар иши билан қизиққан ҳар қандай меҳмонни бемалол исталган ҳудудга бошлай оламиз. Масалан, жорий йилда фойдаланишга топширилган «Каптархона», «Мевасоз», «Бинокор», «Лолазор» йиғинлари, капитал таъмирдан чиққан «Гулистон» маҳалласи идораси, шу кунларда жиҳозлаш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширишга тайёрланаётган «Қилтозабоғ» ва «Гулирайхон» маҳаллалари бинолари бунга яққол мисол бўла олади. Барчамиз яхши тушунамиз. Замонавий иш шароитлари ходимлар, раисларимизни янада самарали меҳнат қилишларига туртки беради. Шу боис режага кўра, келгуси йил ўрталаригача шаҳримизда ўз биносига эга бўлмаган бирорта ҳам йиғин қолмайди.

ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК!

Бугунги кунда шаҳримизда 95 минг нафардан ортқ аҳоли истиқомат қилади. Албатта, одамларимиз орасида кам таъминланган, кўмакка муҳтож фуқаролар бор. Улар доимий ғамхўрлигимиз остида. «Аёл-

лар дафтари», «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга давлатимиз томонидан белгиланган барча имтиёزلардан унумли фойдаланиш учун шароит яратилган. Жумладан, кредитлар бериш орқали тадбиркорликка жалб қилиш, туризм ривожлангани боис миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтириш борасида ютуқларимиз кўп. Шаҳримиз бўйлаб қатор ҳунармандчиликнинг турли соҳаларига ихтисослашган ўқув марказлари фаолият юритади.

Айниқса, муҳтож, боқувчисини йўқотган, имкони мавжуд бўлмаган фуқаролар ҳомийлар ва давлатимиз томонидан уй-жой билан таъминланиши бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, жорий йилда олти уй-жойга муҳтож аёл ҳомийлар ҳисобидан тураржой билан таъминланди. Тўртта ҳолатда бундай аёллар 200 метр квадрат ҳовли майдонига эга замонавий ҳаммом, ошхона, ҳожатхонадан ташқари, яшаш учун 3 хонадан иборат уй-жойларга кўчирилиб, ўз номларига кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди. Икки нафар муҳтож аёл эса кўп қаватли тураржой биносидан квартира билан таъминланди.

«Гулирайхон» маҳалласида истиқомат қилувчи ёлғиз, боқувчисини йўқотган она юқоридаги каби ҳовлига кўчирилди. 5 ёшли фарзанди бор, 2-гуруҳ ногирони. Бундан ташқари, нафақадаги, ногирон онаси ҳам улар билан бирга. Албатта, фақатгина уй-жой билан иш битмайди. Оиланинг кундалик харажатлари, еб-ичиши, кийиниши, фарзанд тарбияси масалалари ҳам бор. Кўлдан берганга эса қуш тўй-

майди. Айни юқоридаги ҳолатда ногирон аёл ҳудуддаги мактабга лаборант лавозимига тўлиқ ставка билан ишга жойлаштирилди. Натижада ҳозирда мазкур оиланинг тирикчилиги тўла таъминланди. Иш билан таъминлаш масаласи ҳар бир ҳолатда алоҳида ўрганилиб, ўзига мос ва яшаш жойига яқин ташкилотлар билан меҳнат шартномаси тузиш алоҳида эътиборга олинапти.

АЖРАЛИШЛАРГА ҚАРШИМИЗ!

Тўғри, кейинги пайтларда оилавий «қўйди-чиқди» масалалари билан кўпроқ хотин-қизлар фаоллари шуғулланыпти. Аммо бу маҳалла раислари, фаолларининг ҳам бевосита вазифасидир. Зеро, ажралиш бўлган маҳалладан барака кетади. Етимлар кўпаяди. Раисларимиз мазкур ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда оилавий ажралишларга йўл қўймаслик, тушунтириш ишлари орқали келишмовчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш йўналишида ишлаб келишади. Бунда оилаларга бириктирилган нурунийларимиз тажрибаси, насиҳатларидан унумли фойдаланилмоқда.

Натижада шаҳарда ажралишлар сони ўтган йиллардагига нисбатан кескин камайган. Мисол учун, ёз ойларида «Лолазор» маҳалласида 4 та ажралиш ёқасидаги оила рўйхатга олинган эди. Кунни кеча маҳалла раиси, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари, отиноийлар, туман имом-хатиби иштирокида ўтган яраштирув мажлисида мазкур оилаларнинг барчасини яраштиришга эришдик. Жараёнда кувёв, келин тарафнинг

иддаолари атрофлича ўрганилди. Ёшларнинг бир-бирида кўнгли борлиги, орага учинчи шахслар тушаётгани, бундан ташқари, арзимаган келишмовчиликлар катталаштирилиб, пашадан фил ясалаётгани аниқланди. Иккала тарафга ҳам уламоларимиз, ҳуқуқшунос ва психологларимиз олиб борган тушунтириш ишлари маъқул келиб, шу ернинг ўзида бир-бирларидан узра сўрашди. Оилалар тинч-тотув яшашга ваъда бериб тарқалишди.

АЙНИ КУНЛАРДА...

Айни кунларда қиш соғуғи кўпчиликни ғафлатда қолдириб, бирдан келгани, айрим оилалар етарлича тайёргарлик кўра олмагани масаласи кенг муҳокама бўляпти. Шунини айтишим керакки, бу борада маҳалла тизими четда тургани йўқ. Ҳозир бўлимимиз ходимлари ва раисларнинг бирортаси идораларда ўтирмаяпти. Барчамиз халқ орасида миз, муҳтож оилаларни аниқлаб, жойида кўмак бериш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, кунни кеча ҳар бир маҳалладан 4 тадан энг оғир аҳволдаги хонадонлар аниқланиб, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. Айрим оилаларга замонавий тежамкор печлар олиб берилди. Мазкур ишлар мунтазам давом этмоқда. Уйлайманки, амалга ошираётган ҳаракатларимиз натижасида аҳоли розилигига эришамиз. Зеро, мақсадимиз, муваффақиятимиз ҳам шунда.

ШУҲРАТ САЪДУЛЛАЕВ,
Хива шаҳар Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

РАҒБАТ, АЛБАТТА, САМАРА БЕРАДИ

Самарқандда маҳалла раислари учун саёҳат ва концерт дастурлари ташкил этилди.

Рағбат иш самарадорлигини ошириши ҳеч кимга сир эмас. Буни яхши англаган маҳалла раислари ўз ҳудудларида фаолларни доимо қўллаб-қувватлаб келишини яхши биламиз. Масалан, вазифасига сиққидилдан ёндашадиган кўчабошилар, уйбошилар раисларнинг доимий эътиборида. Хўш маҳаллабо-

шларининг ўзи-чи? Уларни қандай рағбатлантирмоқдамиз? Самарқанд вилоятида масалага ўзига хос ёндашилди.

Вилоят Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси 1 126 нафар маҳалла раисларининг Самарқанд шаҳридаги «Туризм маркази»га саёҳатини ташкил этди. Саёҳат-

дан сўнг раислар маданий ҳордиқ чиқаришлари учун шаҳардаги концерт залида Ўзбекистон давлат филармониясининг концерт-томоша тадбирлари ташкил этилди.

— *Ўтказилган тадбир менда катта таассурот қолдирди, — дейди Булунғур туманидаги «Бешқўтон» маҳалласи раиси Ҳаби-*

булло Кенжаев. — Тўғриси, тинимсиз иш билан бўлиб, қачон дам олганимизни унутиб юборгандик. Саёҳат муаммолардан биров чалғиб, ҳамкасблар билан учрашиш, бошқа маҳаллалар тажрибаларини ўрганиш учун айни муддао бўлди. Уйлайманки, бу каби тадбирлар, шубҳасиз, иш самарадорлигига ижобий

таъсир қўрсатади. Ҳордиқдан қайтиб, янги куч, янги шижоат билан маҳалла масалаларини ҳал этишга киришиб кетамиз.

Раислар учун уюштирилган концертда Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти М.Мавлонов ва Ўзбекистон халқ артисти Э.Қайтаровлар ўзларининг куй-қўшиқлари билан иштирок этишди.

«МАҲАЛЛАБАЙ»

Тизимдаги яна бир муҳим янгилик — ҳудудлардаги муаммоларни ҳал этишда «маҳаллабай», «хонадонбай» тарзда иш йўлга қўйилгани бўлди. Бу орқали фуқароларнинг муаммолари манзилли ўрганилмоқда, ўз навбатида, уларга қонун доирасида ечим топилмоқда.



ҲАР БИР ОИЛА АҲВОЛИДАН ХАБАРДОРМИЗ

ТУЗИЛМА ОДАМЛАРНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ,
УЛАРНИНГ ХОҲИШ-ИСТАКЛАРИНИ ИФОДАЛАШ, РАҲБАРЛАРНИНГ ҚОНУНЛАРГА РИОЯ ЭТИШИ,
ВАЗИФАСИГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШИШНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА

Маҳаллага одамлар келиб фикрини, таклифини, дардини айтяпти, аҳоли муаммосига ечим шу масканда топиляпти. Маҳалла раиси бошчилигидаги бешлик ҳудуддаги ҳар бир оиланинг аҳволидан хабардор бўлиб, уларга маънавий ва моддий кўмак кўрсатмоқда.

Бугун Жиззах вилоятидаги Ғаллаорол тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими тизимга доир ҳар бир янгилик ва ўзгаришларни тезкорлик билан ҳаётга татбиқ этмоқда.

Қувонарлиси, барча жараёнда фуқароларнинг ўзлари ҳар бир масалага дахлдорлик туйғуси билан яшай бошлади. Муаммоларни ҳал этиш жараёнида эса маҳалла жамоатчилиги назоратининг етакчи бўлини сифатида майдонга чиқмоқда. Тузилманинг айна жараёндаги иштироки одамларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш, уларнинг хоҳиш-истакларини ифодалаш, раҳбарларнинг қонунларга риоя этиши, вазифасига масъулият билан ёндашишини таъминламоқда.

Туманимиздаги 29 та

маҳаллада жамоатчилик назорати фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, вазифалар ижроси мунтазам назорат қилиб борилмоқда. 2022 йил давомида 137 марта ўтказилган йиғилишларда ташкилотларнинг маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ҳисоботлари эшитилди. Ўтказилган назорат натижалари бўйича 1 нафар ҳоким ёрдамчиси, 1 нафар ёшлар етакчиси фаолиятидаги камчиликлар бўйича ташкилотларга тақдимномалар киритилди. Ўз навбатида самарали иш ташкил этгани учун 1 нафар хотин-қизлар фаоли, 1 нафар ёшлар етакчиси мукофотланди. Бундан ташқари, «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида жамоатчилик фаол қатнашиб, 15,2 км. йўллар асфальтланди, 3 та қудуқ қазилиб, 3 км. сув қувурлари

тортилди. Натижада 100 та хонадон ичимлик сув билан таъминланди.

Тизимдаги яна бир муҳим янгилик — ҳудудлардаги муаммоларни ҳал этишда «маҳаллабай», «хонадонбай» тарзда иш йўлга қўйилгани бўлди. Бу орқали фуқароларнинг муаммолари манзилли ўрганилмоқда, ўз навбатида, уларга қонун доирасида ечим топилмоқда. Ҳудудлардаги нотинч, ажралиб ёқасида турган оилалар ҳамда жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларнинг яшаш хонадонларига сориблиб, оила аъзолари билан суҳбатлар ўтказилмоқда. Шунингдек, ёшлар етакчилари томонидан 18-30 ёшли фуқаролар, хотин-қизлар фаоли орқали аёллар хатловдан ўтказилиб, уларнинг муаммолари тегишли тартибда ҳал бўлмоқда.

Айниқса, «маҳаллабай» ишлаш натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган, яқка-ёлғиз кекса фуқароларга кўмак кўрсатиш

янада самарали босқичга кўтарилди. Шунингдек, маҳаллалардаги ишсизликни тугатишда натижаларимиз ёмон бўлмаяпти. Бу борада шакллантирилган рўйхат асосида аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш, ўзини ўзи банд қилиш, даромад топишига кўмаклашиш мақсадида фуқароларга имтиёзли кредит, субсидиялар ажратилмоқда. Кўрилатган чора-тадбирлар натижасида маҳаллаларда вақтинча иш билан банд бўлмаган аҳоли бандлиги таъминланиб, уларнинг оила даромадлари ошиб борапти.

Ўз навбатида маҳалла ходимлари фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадида уларнинг шароитлари яхшилаб борилмоқда. Моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлаш, симсиз интернетга уланиш бўйича сезиларли натижаларга эришилди. Жумладан, барча маҳалла фуқаролар йиғинлари маъмурий биноси замонавий

технологияли, юқори тезликда ишлайдиган интернет тармоғига уланди. Битта маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биноси VDSL, тўққизтаси GPON ва ўн тўққизтаси FTTB технологияли интернет тармоғида ишламоқда. Бундан ташқари, мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинлари жами 85 дона ҳаётовар, 43 дона принтер, 70 комплект раҳбар столи, 95 дона шкаф, 65 дона иш столи ва 551 дона стул билан таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, туманимиздаги барча маҳаллаларда саъй-ҳаракатларимиз аҳолини ҳаётдан розилигини таъминлашга, инсон қадрини юксалтиришга қаратилган. Бу мақсадга эришишда маҳалла жамиятининг ҳал қилувчи бўлинига айланиб бормоқда, десак асло хато бўлмайдими.

Зоҳиджон УСМОНОВ,
Ғаллаорол тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ОДАМЛАР ЭРТАГА ЭМАС, БУГУН ЯХШИ ЯШАШИ КЕРАК

Қамаши тумани маҳаллаларида аҳолининг турмуш даражасига беvosита таъсир кўрсатувчи ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасида ишчи гуруҳлар ташкил қилган ҳолда, ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.



Ишчи гуруҳлари дастлаб «Тўқбой», «Бойбўри», «Бердоли» ва «Одоқжонбуз» маҳаллаларида ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли яшаш хонадонларининг қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ҳамда коммунал соҳадаги муаммолар ўрганилди. 500 га яқин оилада турли даражадаги муаммолар, асосан, кўмир, суюлтирилган газ, уй-жойни таъмирлаш, дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотларига талаб борлиги аниқланиб, муаммоларни тез фурсатда бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда.

Бугунги кунга келиб 1 минг

500 га яқин хонадонга 30 тонна суюлтирилган газ, 10 тонна кўмир, 52 та хонадонга хизмат кўрсатувчи электр таянч устунларига 100 метр кабель, ногиронлиги бўлган фуқароларга 5 та ногиронлик арава-часи, 40 та хонадонга асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Вилоят тиббиёт муассасасида 1 нафар фуқарода жароҳат амалиёти ўтказилди.

Шунингдек, Қашқадарё вилояти прокурори Салом Саматов ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган, яқка ёлғиз яшовчи ва боқувчисини йўқотган Н.Ғаффорова, П.Нормуро-

дов, А.Ўтаганов ҳамда Б.Хусановлар хонадонларига бориб, улар ҳолидан хабар олди, кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари топширди ҳамда шу каби жами 40 та хонадонда яшовчи фуқароларни эҳтиёжманд тоифадан чиқариш имкониятларига оидинлик киритилди.

Бундан ташқари, «Тўқбой» маҳалласида жойлашган касб-ҳунаар мактабидаги ноқонуний қурилиш жойида бартараф этилиб, қўшимча аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан масъулларга кўрсатмалар берилди.

ҲАМКОРЛИК

Субсидия ажратиш орқали бандлиги таъминланганлар 489 нафарни, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганлар 19 нафарни, ўзини ўзи банд қилганлар 2 313 нафарни, касбга тайёрлашга юборилганлар 769 нафарни ташкил этди.

«БЕШЛИК» МАҲАЛЛА «ДРАЙВЕРИ»ГА АЙЛАНИБ УЛГУРДИ

БУГУН МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ ИНТИЛУВЧАН, ТАШАББУСКОР БЎЛИШИ УЧУН ЗАМИН ЯРАТИЛДИ. УНИНГ ЁНИДА ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ, ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ, ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ КАМАРБАСТА

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ислохотлар самарадорлигини оширишда маҳалланинг ўрни ва мавқеи юксалиб бормоқда. Айни жараёнда амалиётга жорий этилган янги тизим бу борадаги ишлар кўламини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариб, маҳалладаги «бешлик» ислохотлар «драйвери»га айланмоқда. Буни Чортоқ тумани маҳаллаларининг ўтган даврдаги фаолияти натижаларида ҳам кўриш мумкин.

Қилинган ишларимизга тўхталишдан аввал Президентимизнинг «маҳалла ташаббускор бўлиши керак», деган фикрларини эслатмоқчиман. Чиндан ҳам бугун маҳалла раислари интилувчан, ташаббускор бўлиши учун замин яратилди. Унинг ёнида ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори камарбаста.

Биргина хотин-қизлар фаоллари томонидан жорий йилнинг шу давригача 4 671 нафар ишсиз аёлнинг бандлиги таъминланган. Бу ўтган йилга нисбатан 797 нафарга кўп демасда. Уларнинг 1 485 нафари доимий, 365 нафари жамоат ишларида жалб этилди. Субсидия ажратиш орқали бандлиги таъминланганлар 489 нафарни, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганлар 19 нафарни, ўзини ўзи банд қилганлар 2 313 нафарни, касбга тайёрлашга юборилганлар 769 нафарни ташкил этди. 517 нафар хотин-қиз касб-хунарга ўқитилди, 449 нафарига имтиёзли кредитлар берилди.

«Аёллар дафтари»га киритилган 740 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланган бўлса, уларнинг 140 нафари тадбиркорликка жалб этилди. 1 257 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ижтимоий

ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ҳамда қарамоғида бир ва ундан ортиқ I ва II гуруҳ ногирон болалари мавжуд ёлғиз хотин-қизларга алоҳида эътибор берилди. Икки минг нафарга яқин аёлларга тиббий ёрдам кўрсатилди. Яна шунча аёлларга 1 млрд. 134 млн. сўмлик моддий ёрдамлар берилди.

Қолаверса, икки нафар хотин-қиз уй-жойлари умумий қийматининг 10 фоизи миқдоридаги маблағни бошланғич бадал пули сифатида тўлаб бериш учун тавсия этилди. Барча маҳаллаларда «Аёллар маслаҳат кенгашлари» ташкил этилиб, зарур моддий-техника воситалари билан таъминланди.

Ўз навбатида ҳоким ёрдамчилари билан ишларимиз самарали бўлмоқда. Жумладан, мингга яқин лойиҳага 22,8 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши ҳисобига 10 минг нафардан ортиқ аҳоли бандлиги таъминланди. Бунда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»даги ҳамда ташаббускор фуқароларга 236 гектар ер майдонларини ижара асосида ажратиш ҳисобига 1 596 нафар аҳоли ишли бўлди, 248 та фуқарога 601,9 млн. сўм субсидия ажратилди. «Маҳаллабай» микролойиҳалар орқали 452 та янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, ёшлар етакчилари ташаббуси билан 1 238 нафар йигит-қиз доимий ишга жойлаштирилди, 327 нафари қайта касбга ўқитилди, 155 нафарига субсидия асосида асбоб-ускуна-

лар олиб берилди. «Ёшлар дафтари»да ҳозирги кунда жами 1 107 нафар йигит-қиз бўлиб, барчаси моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. «Ёшлар дафтари»га киритилган 323 нафар ёшларнинг 75 нафарига тўлов контракт пуллари тўлаб берилиб, 200 нафардан ортиғига турли йўналишлар учун моддий ёрдам курсатилди.

Жумладан, «Бўлон» маҳалласида яшовчи Маҳлиё Маҳмудова, «Тўпқайрағоч» маҳалласида яшовчи Моҳира Дадабоева, «Истиқлол» маҳалласида Гулдон Собиржоновга тўлов контракт маблағлари тўлаб берилди. А.Навоий номи маҳалладан Бекзод Валиев, «Кесканёр» маҳалласидан Элёр Бойдадаев, «Бозорбоши» маҳалласидан Маъсума Муҳаммаджоновалар ўзини ўзи банд қилди.

Бу натижалар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир соҳада маҳалла фаоллари ташаббус билан ишлашяпти. Масалан, ишсизларнинг банд қилиш, одамларни боқимандалик кайфиятидан чиқаришда маҳаллаларда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Ёш ишбилармонлар тажрибаси тенгқурларига мотивация берапти. Қолаверса, ҳудуддаги муаммолар, аҳоли мурожаатлари билан ишлашда «бешлик» аъзолари аниқланган камчиликларни мутасаддиларга етказишда ташаббускор бўлмоқда. Табиийки, бу жараёнда одамларимиз ўзи яшаётган ҳудуд ободлиги, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун дахлдор эканини ҳис этмоқда.

Муҳаммаджон НЕМАТИЛЛАЕВ, Чортоқ тумани Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ОҒИР ҲУДУДЛАР ИШЧИ ГУРУҲ ЭҲТИБОРИДА



Давлатимиз раҳбари топшириғига кўра, Тошкент вилоятида тажриба сифатида бошланган аҳоли билан мулоқотнинг янги тизими Сирдарё вилоятининг оғир ҳудудларидан бири бўлган Сардоба туманида ҳам жорий этилди.

Унга кўра, вилоят ҳокимлиги ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳ 4 та сектор кесимида тумандаги 15 та маҳаллада фаолият олиб бориши белгиланган.

Ишчи гуруҳ туман ҳудудида маҳаллама-маҳалла юрган ҳолда аҳоли муаммолари ва ижтимоий-иқтисодий масалаларини ўрганиб, уларни тезкор ва самарали ҳал қилиш, шу билан бирга, мuddат ва маблағ талаб қиладиган масалаларни келгуси йил дастурларига киритиш чораларини кўрмоқда. Ушбу жараёнда оғир ижтимоий

аҳволдаги, яқка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган инсонларни қийнаётган муаммоларга ечим топишга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Шу кунга қадар тумanning бешта — «Зомин», «Бирлашган», «Ҳалқобод», «Пахтакор», «Янгиқишлоқ» маҳаллаларидаги 1 157 та хонадон ўрганилди. Уларда аниқланган 416 та масаладан 75 таси жойида ҳал қилинди, қолган масалалар бўйича аниқ мuddатли «Йўл хариталари» белгиланди.

Мухбиримиз.

ОБОДЛИК

Ҳозирда Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлимимиз, тумандаги бошқа идора ва ташкилотларнинг асосий эътибори аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига қаратилган. Уларнинг бахтли ҳаётини таъминлаш, миннатдор қилиш — бош вазифамиз.



БЎКА БОҒЛАРГА БУРКНАДИ

«Тўғриси, йил бошида мазкур ишларни режалаштирган пайтимиз вазифалар салмоғини кўриб, бир йилда улгуришимизга шубҳаланган эдим. Аммо ходимларимизнинг яқин ҳамкорликда, баъзан керак бўлса, тортишувлар билан амалга оширган режали ишлари боис ҳаммасини вақтида топширдик»

Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилган ислохотлар натижасида маҳалла чин маънода аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган ташкилотга айланди, десак муболаға бўлмайди. Жумладан, туманимиз Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари доимо одамлар орасида уларнинг дарди ташвиши билан яшайди.

ОБОДЛИКДАН КЎНГИЛЛАР ШОД

Мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинларида «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари доирасида ишлар самарали йўлга қўйилди. 2022 йилда, айниқса, «Бўка» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида олиб борилган ишлар эътиборлидир. Бу ерда ҳар бир фуқаронинг моддий, ижтимоий ҳолати чуқур ўрганилди, «фуқаробай» ишлаш тизими самара кўрсатди. Ҳар бир инсон билан, у хоҳ тадбиркор, ўзига тўқ оила вакили бўлсин, хоҳ кам таъминланган, хоҳ маошга яшовчи давлат хизматчиси бўлсин, алоҳида суҳбатлар ўтказилди. Уларни қийнаётган муаммолар

ўрганилди. Дастур тузилиб, ўша йўналишда ишлар олиб борилди.

Маҳалланинг Алҳажар кўчасида Давлат хизматлари маркази филиали, 50 ўринли тикув цехи, аёллар гўзаллик салони ва эркаклар сартарошхонаси, озик-овқат дўкони, қишлоқ оилавий поликлиникаси, мактабгача таълим ташкилоти ва болалар майдончаси ташкил этилди. Янги маҳалла идораси қуриб битказилди.

Тўғриси, йил бошида мазкур ишларни режалаштирган пайтимиз салмоғини кўриб, бир йилда улгуришимизга шубҳаланган эдим. Аммо ходимларимизнинг турли манфаатдор ташкилотлар билан яқин ҳам-

корликда, баъзан керак бўлса, тортишувлар билан амалга оширган режали ишлари боис ҳаммасини вақтида топширдик.

Бундан ташқари, маҳаллада яшаб келаётган 10 та оила сўровига асосан, бир дондан зотдор қорамол, 40 та оилага зотдор қўй, 25 та оилага 500 дона парранда, 20 нафар ишсиз аёлга субсидия асосида тикув машинаси, 6 та оилага инкубатор, 10 та оилага субсидия асосида иссиқхона қуриш учун маблағ ажратилди.

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Бу каби ишлар туманининг кўплаб бошқа маҳалларида давом эттирилди. Тўғриси, турли ижтимоий тармоқларда тарқалаётган ҳар хил гап-сўзларга қарамай, қилинаётган ишлардан одамларимиз рози. Чунки улар асл воқеаларнинг марказида туришибди. Барча эътибор, аслида, уларга эканлини яхши англашади. Йўлга

қўйилаётган имтиёз ва имкониятлардан бугун бўлмаса, эртага ҳамма бирдек баҳраманд бўлишини билишади.

Тўғри, ҳозирда Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлимимиз, тумандаги бошқа идора ва ташкилотларнинг асосий эътибори аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига қаратилган. Уларнинг бахтли ҳаётини таъминлаш, миннатдор қилиш — бош вазифамиз. Шунга қарамай, юқорида айтганимиздек, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринларини барпо қилиш, маданият, маърифат масканлари фаолиятини йўлга қўйиш каби йўналишларда тинимсиз изланишдамиз.

«ДОЛЗАРБ ҚИРҚ КУНЛИК»

«Яшил макон» умумий лойиҳаси асосида туманимизда 44 та маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳоли хонадонларини, маҳаллалар

ҳудудларидаги бўш ер майдонларини, ариқ четларини боғу роғларга айлантириш бўйича ҳаракатлар давом этмоқда. «Долзарб 40 кунлик» доирасида туманда 350 000 туп турли хил манзарали ва мевали дарахтлар экилди.

Шунингдек, «Маҳалламга 10 туп дарахт — менинг хиссам» шиори остида маҳалла раислари, кўнгиллилар, ҳомийлар томонидан кам таъминланган хонадонларга ва маҳалладаги кўчаларга дарахт кўчатлари олиб берилди. Экилган кўчатларнинг амал олиб кетиши учун уларнинг ҳар бири хонадонларга, турли ташкилот ва идоралар ходимларига бириктириб берилган. Уйлайманки, тез орада туманимиз кўкаламзор, салқин ҳудудлардан бирига айланади.

Учқун ЭРҒАШЕВ,
Бўка тумани Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ — ХАЛҚ КЎМАКЧИСИ»

Термиздаги «Муҳташам сарой» тантаналар уйида Сурхондарё вилоятидаги маҳаллаларда фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчилари учун «Ҳоким ёрдамчиси — халқ кўмакчиси» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.



Айтиш керакки, вилоятдаги 723 маҳаллада фаолият юритган ҳоким ёрдамчилари йил бошидан уйма-уй юрган ҳолда маҳалла фуқароларининг яшаш тарзи ва муаммоларини ўрганиб, етарли маълумотга, доимий даромадини яратиш ҳақида тегишли тасаввурга эга бўлди. Бу жараёнда воқеадаги мавжуд 493,9 минг хонадонни тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни 4 та тоифага ажратиб олди.

Янги тизим асосида ҳудудларни «маҳаллабай» ривожлантиришнинг йўлга қўйилгани одамларнинг даромад манбаини ошириб, ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилмоқда. Жумладан, аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш

орқали қарийб 203 минг кишининг бандлиги таъминланди. Ўзини ўзи банд қилиш эвазига 68 минг 741 фуқаро рўйхатга олинди. 83 минг 105 нафари доимий ишга жойлашди. 13 минг 327 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. 6 минг 389 нафари янги яратилган доимий иш жойларига жойлаштирилди. 31 минг 233 нафарига ижара асосида ер ажратилди.

Яқунланаётган йилда ҳоким ёрдамчиларининг «хонадонбай» ўрганиши натижасида «Онлайн маҳалла» платформасига келиб тушган мурожаатлар асосида 48 минг 882 нафар фуқарога ижобий тавсиянома берилиб, 35 минг 228 хонадонга «Ҳар бир

оила — тадбиркор» дастури асосида 858,5 миллиард сўм кредит ажратилди. 1 минг 924 фуқарога 6 445,3 миллион сўмлик субсидия маблағи берилиб, 132 хонадонда энгил конструкцияли иссиқхона ўрнатилди. Ҳоким ёрдамчилари аҳолининг тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиб, 8 минг 573 та янги иш ўрни яратилди.

Байрамона руҳда ўтган тадбирда ана шу ҳақида атрофлича фикр алмашилаб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. Энг фаол ҳоким ёрдамчиларининг бир гуруҳи эсдалик совғалари билан тақдирланди. Санъаткорларнинг концерт дастури тадбирга ўзгача завқ бағишлади.

БУНЁДКОРЛИК

Янги бинолар аввалги тор, зах хоналардан иборат ижара иншоотлардан тубдан фарқ қилади. Уларда замонавий иситиш тизимлари, қуёш панеллари, интернет тармоқлари мавжуд, жиҳозлар ҳавас қилгудек. Капитал таъмирдан чиқарилаётган идоралар ҳам замон талабларига мослаштирилмоқда.

ЙИҒИНГА ЙИҒИЛГАНЛАР ШАРОИТЛАРДАН МАМНУН

ЙИЛ МОБАЙНИДА 5 ТА МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ — «ТЎҚҚИЗБОЙ», «ШОДЛИК», «САРОЙ», «НАЙМАН», «ШЕРҚЎРҒОН» ЙИҒИНЛАРИ ЯНГИ БИНОЛАРДА ИШЛАЙ БОШЛАШДИ. ЯНА УЧТА МАҲАЛЛА БИНОСИДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Яқинда туманимиздаги маҳаллаларни ўрганганимизда, бир хонадоннинг ҳолати эътиборимизни тортди. Бу ерда яшовчи онахоннинг аҳволи яхши эмасди. Харобаси чиққан уйда ногирон набираси билан ёлғиз яшайди. Фарзанди бевақт қазо қилганига 10 йилдан ошган. Ҳовли шунча вақтдан буён дурустроқ таъмир кўрмаган. Тўғри, орада бир-икки марта маҳалла ёшлари ёрдам бериш учун кичик ҳашарлар уюштиришди. Аммо етарлича маблағ бўлмаса қийин экан...

Жомбой тумани Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари ҳар доим шу каби инсонларга ҳар томонлама кўмаклашиш, уларнинг оғирини енгил қилиш тарафдориди. Уларни муносиб ўй-жой билан таъминлаш, ҳолидан хабар олиш, дори-дармоннинг вақтида етказилишини назорат қилиш зимманимиздаги асосий вазифалардан. Йилнинг ўтган даври мобайнида юқоридаги каби юзлаб инсонларнинг ҳолидан хабар олинди, уларга ҳар томонлама кўмак кўрсатилди.

«Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» Давлат

дастури ҳамда Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими Иш режаси ижросини таъминлаш мақсадида 100 нафардан ортиқ ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларга моддий ёрдам берилди. Қатор муҳтож фуқароларимиз ногиронлик аравалари, эшитиш мосламалари ва бошқа тиббиёт буюмлари билан таъминланди.

Бўлимимизнинг асосий мақсад ва вазифаларидан бири бўлган аҳолининг тарихан таркиб топанг удум ва аъёналарини асраш ҳамда бойитишга ҳар томонлама кўмаклашиш борасида маҳаллаларда фуқароларнинг маърифий-маданий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёш авлодни миллий ва маънавий қадриятлар, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш каби ижтимоий ва маънавий муҳит барқарорлигига ижобий таъсир этувчи мингдан ортиқ тадбирлар ташкил этилди. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни, айниқса, соғлом авлодга бўлган эътиборни, Давлат дастурига белгиланган тадбирларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига ва ёшларга етказиш мақсадида давра суҳбатлари, учрашувлар ва тушунтириш-тарғибот тадбирлар ўтказилди.

Маҳаллаларда амалга оширилаётган ижобий ишларни кенг оммалаштириш ҳамда йиғин ходимларини муносиб рағбатлантириш бориш мақсадида «Энг намунали маҳалла раиси», «Энг намунали ҳоким ёрдамчиси», «Энг намунали хотин-қизлар фаоли» кўрик-танловларининг ғолиблари ва вилоят босқичи иштирокчилари муносиб рағбатлантирилди.

Фуқаролар йиғинлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ишлар жадал давом этмоқда. Йил мобайнида 5 та маҳалла фаоллари — «Тўққизбой», «Шодлик», «Сарой», «Найман», «Шерқўрғон» йиғинлари янги биноларда ишлай бошлашди. Янги бинолар аввалги тор, зах хоналардан иборат ижара иншоотлардан тубдан фарқ қилади. Уларда замонавий иситиш тизимлари, қуёш панеллари, интернет тармоқлари мавжуд, жиҳозлар ҳавас қилгудек. Капитал таъмирдан чиқарилаётган идоралар ҳам замон талабларига мослаштирилмоқда. Масалан, «Ширинкент» маҳалласи биноси таъмирдан сўнг янгидек бўлиб қолган. Мазкур иншоот юқорида саналган барча шароитлар билан таъминланган.

Хозирги кунда «Олмазор» маҳалласида қурилиш ишлари якунига етказилмоқда. «Қудуқли» ва «Қўнғирот» йиғинлари учун бино қуриш ишлари бошланган. Ўтган йиллар мобайнида қурилиб фойдаланишга топширилган «Эски Жомбой», «Тўққизбой», «Тошкент», «Қорамўйин» маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари қуёш панеллари билан таъминланди.

Маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш, оилавий ажралишларни камайтириш борасида ишлар жадал давом этапти. Бунда ҳудудлардаги нурунийларимиз имкониятларидан унумли фойдаланилмоқда. Уйлайманки, амалга оширилган ишлар самараси тез орада ўз самарасини беради.

Умиджон МАМАТОВ, Жомбой тумани Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«БИНОСИЗ ИШЛАГАН ВАҚТЛАР ЎТМИШГА АЙЛАНДИ»

Конимех туманидаги «Юксалиш» маҳалласи ҳамда Томди туманидаги Томдибулоқ овул фуқаролар йиғинининг янги бинолари фойдаланишга топширилди.



— Маҳалламиз ташкил топганидан буён ўз биносига эга эмас эди, — дейди «Юксалиш» маҳалласи раиси Учқун Мамараймов. — Аввал мактаб биносидан кейин болалар боғчасининг кичик хонасида, ҳатто эскириб, тўкилиб турган ижара бинода ҳам ишлаганмиз. Моддий-техник база, замонавий жиҳозлару креслолар тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Мебелларимиз алми-сокдан қолган стол ва

ямоқ тушмаган жойи йўқ дивандан иборат эди. Бугун ишлаш учун кўчиб кираётган янги биномиз эса барча шароитлар билан таъминланган. Ҳатто бир-икки кунда қуёшдан ток оладиган панеллар ўрнатилиши кўзда тутилган. Ҳар бир ходимга алоҳида хоналар ажратилган, узлуксиз интернет тармоғи, яп-янги жиҳозларни кўриб халқ манфаати йўлида янада жиҳоат билан ишлагиси келади одамнинг.

Дарҳақиқат, биноларда ходимларнинг ишлаши учун барча шароитлар яратилган, аҳолининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун бу ерда маънавият хонаси ҳам ажратилган бўлиб, у ерда бадий, илмий ҳамда оммабоп китоблар жавондан жой олган. Янги биноларнинг очилиш маросимида вилоят мутасаддилари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари, кекса авлод вакиллари иштирок этди.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Судланувчи А.У. Жиноят кодексининг 246-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли бўлса-да, унга нисбатан қўлланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси кодексининг 72-моддасига кўра 2 (икки) йил синов муддатига алмаштирилди.

ПОЧТА ЖЎНАТМАСИДА ТАҚИҚЛАНГАН МОДДАЛАР

Оммавий ахборот воситалари орқали психотроп моддалар савдоси билан ноқонуний шўғулланаётган кимсалар ҳақида тез-тез эшитамиз. Бу моддалар шифокор тавсиясиз истеъмол қилинса, инсон ҳаётига жиддий зарар етказишига қарамай, уни яширин йўл билан олиб киришга уринишлар ҳамон давом этаётгани жуда ачинарли ҳолдир.

Маълумотларга кўра, бундай разиллик Тошкент шаҳри ҳамда Фарғона вилоятларида кўп учрамоқда. Уларни истеъмол қилган киши наркологи касалликларга йўлиқишига сабаб бўлади. Кунни кеча Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани судининг очиқ суд мажлисида мана шу каби жиноят иши кўриб чиқилди.

Судланувчи А.У. 1988 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти олий, оилали — уч нафар вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз. Тошкент шаҳар Чилонзор туманида доимий рўйхатда туради.

Маълум бўлишича, А.У. 2021 йилнинг декабрь ойида «Alibaba» сайти орқали Хитой давлатида истиқомат қилувчи интернет тармоғида турли хилдаги дори воситаларининг савдоси билан шўғулланувчи шахс билан танишади. У билан жинсий тил бириктириб, кучли таъсир қилувчи моддаларни Ўзбекистонга олиб киришни режа қилади. Шу мақсадда «Alibaba.com-Luxemburg» номи хи-

соб-рақамга 705 АҚШ доллари миқдоридagi пул маблағини ўтказиб беради. Бунинг эвазига сотувчи томон унга 995,68 грамм «метандростенолон», 99,97 грамм «станозолол», 49,72 грамм «оксандролон» ва 49,86 грамм «анастрозол» номли жами 1 290 грамм кучли таъсир қилувчи моддаларни Хитой Халқ Республикасидан Нидерландия давлати орқали Ўзбекистон Республикасига етказиб бериши керак бўлган. Аслида ҳам шундай қилинади.

Аммо судланувчи айёрона йўл тутиб, шу билан гўёки божхоначиларни алдамоқчи бўлади. Аммо ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари унинг бу алдовига чув тушмайди. Аслида тақиқланган моддалар божхона декларациясига 1 дона «Beauty products» номи ёзилган ҳолда юртимизга келади. Жорий йил 26 январь куни «Бош почта» ТИФ божхона пости ходимлари томонидан Хитой давлатидан Нидерландия орқали келган почта жўнатмаси назоратдан ўтказилганда ичида рангсиз тўрт дона полиэтилен пакетларда вази 1 290 грамм-

ни ташкил этган, оқ рангли кристалл-кукунсимон модда борлиги аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБМ экспертларининг хулосасига кўра, почта жўнатмасидан олинган тўрт дона полиэтилен пакетлардаги, яъни оқ рангли кристалл-кукунсимон вази 995,68 граммни ташкил қилган модданинг таркибида «метандростенолон» номли, оқ рангли кристалл-кукунсимон вази 49,72 граммни ташкил қилган модданинг таркибида «оксандролон» номли ва оқ рангли кристалл-кукунсимон вази 99,97 граммни ташкил қилган модданинг таркибида «станозолол» номли моддалар мавжудлиги тасдиқланди. Ушбу моддалар Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига кўра, кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган. Шу боис А.У. почта жўнатмасини олиб, бинодан чиқаятган вақтда тезкор ходимлар томонидан ушланади.

Тергов жараёнида барча

далиллар синчковлик билан ўрганилди, воқеага гувоҳлар тингланди. Судланувчи ҳам айбини енгиллаштиш учун бу маҳсулотларни дори сифатида фойдаланиш учун буюртма қилганини айтди. Шу боис Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигидан ҳам хулоса олинди. Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази давлат унитар корхонасининг маълумотномасига кўра, «метандростенолон», «оксандролон» ва «станозолол» таъсир этувчи моддаларни сақловчи маҳсулотлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан дори воситаси сифатида рўйхатдан ўтказилмагани маълум бўлди. А.У.нинг жиноят содир этганликдаги айби тўлиқ исботланади.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, судланувчининг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 246-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган, деб топилди. Якуний жазо тайинлашда содир этилган

жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти, содир этилган қилмишнинг сабаблари, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олиниб, жазо тури ва муддатини белгилашда, Жиноят кодексининг 55-моддаси талабларига риоя қилинди.

Судланувчи А.У. Жиноят кодексининг 246-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли бўлса-да, унга нисбатан қўлланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси кодексининг 72-моддасига кўра 2 (икки) йил синов муддатига алмаштирилди.

Ҳа, гувоҳ бўлганингиздек, жиноятга жазо муқаррар. Бундай адашган шахсларнинг ачиқ кечинмалари бошқаларга сабоқ бўлмоғи лозим. Зеро, эртанги пушаймон ўзимизга душманга айланиши мумкин.

Ж. ҚУРБОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Чилонзор тумани
суди судьяси.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

НИКОҲ ЁШИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ҚАНДАЙ ЖАВОБГАРЛИК БОР?

Қонунчиликка мувофиқ, никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун 18 ёш этиб белгиланади.

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (*ҳомилдорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши*), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, тегишли туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан **1 йилга камайтириши** мумкин. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш **маъмурий жавобгарликка** сабаб бўлади. Хусусан:

- никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш **1,5 млн. сўмдан**

3 млн. сўмгача;

- ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш **2,1 млн. сўмдан 4,5 млн. сўмгача;**

- никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш **3 млн. сўмдан 6 млн. сўмгача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин такроран содир этиш **жиноий жавобгарликка** сабаб бўлади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИДА УЗИЛИШЛАР БЎЛМАЙДИ

Маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилаётган амалий чора-тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда. Халқ билан юзма-юз мулоқот қилиш, дарду ташвишларини тинглаш, фуқароларнинг қатор муаммоларига ечим топиш мақсадида ташкил этилаётган сайёр қабуллар – муаммоларни бартараф этиш борасида муҳим аҳамият касб этаётди.

Жиззах вилоятида 4-сектор таркибига 68 та маҳалла фуқаролар йиғини қарашли бўлиб, уларда 308 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Оилалар сони эса 53 мингтани ташкил этади.

Айни кунларда «маҳаллабай» ишлаш тизими орқали ҳудудларда аҳолининг қаҳратон қиш чиқишлари учун зарур чоралар кўриломоқда. Ҳудуддаги локал иситиш қозонхоналарининг иш ҳолатини ва электр энергиясини табиий босимларини аҳолига берилиши борасидаги

ҳолатларни батафсил ўрганиб, муаммоларни ўз вақтида ечишга ҳаракат қилинмоқда.

Арнасой тумани «Бўстон» маҳалласидаги Янгизамин кўчасида яшовчи фуқаролар электр энергияси қуввати пастлигидан уйлари нишлар натижасида бу муаммо қисқа муддатда бартараф этилди. Яъни «Бўстон» маҳалласининг Янгизамин кўчасига янги трансформатор ўрнатиб берилди.

Мухбиримиз.

ХАЛҚАРО ШАРҲ

Иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклланган халқаро муносабатлар тизими ўз таъсир кучини йўқотганини кузатиш мумкин. БМТ халқаро масалаларда кўпроқ кузатувчи мақомида бўлиши ортидан давлатлар ўртасидаги низолар куч ишлатиш механизмлари орқали ҳал этилмоқда.

ЯНГИ СОВУҚ УРУШ ШАРПАСИ

ЁХУД ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ТАНАЗУЛ КИМНИНГ ВА НИМАНИНГ ОҚИБАТИДА ЮЗ БЕРМОҚДА? БАРЧАСИГА РОССИЯ АЙБДОРМИ? АҚШНИНГ МАНФААТЛАРИ НИМАДА АКС ЭТАДИ? ҒАРБ «ҚЎҒИРЧОҚ»ҚА АЙЛАНИБ ҚОЛМАЯПТИМИ?

Замонавий халқаро муносабатлар тизими ўз тарихининг навбатдаги зиддиятли бурилиш палласига етиб келди. Ҳарбий-сиёсий блоклар ва гегемон давлатларнинг ихтилоfli муносабатлари минтақавий ва глобал геосиёсий жараёнларнинг кун тартибини белгилаб бермоқда. Икки қутбли дунёнинг интиҳосидан кўп ўтмай, янги совуқ урушнинг шарпалари дунё бўйлаб кезишни бошлади.

Украина можароси **сунъий тарзда** шаклланиб келган кўп қутбли дунёнинг асл қиёфасини очиб берди. АҚШнинг босими натижасида Европанинг «**жамоавий ҳайрихоҳлиги**» уйғониши ортидан халқаро сиёсий вазият тобора таранглашиб бормоқда. НАТО ва жамоавий ғарб давлатлари Европада нафақат Россияга қарши, балки Осиёда Хитойга қарши курашга кириши янги совуқ урушнинг тобора глобал характер касб этиб бораётганидан далолат бериб турибди.

Бугунги халқаро муносабатлардаги таназул 30 йил аввалги ғоявий ва блокли қарама-қаршилик руҳиятида эмас. Хитой ва Ғарб муносабатларида иқтисодий ҳамкорликнинг даражаси уларнинг ўзаро зиддиятлари характерини белгилаб берувчи омил деб қаралса, жамоавий ғарбнинг ҳаракатлар траекториясини башорат қилиш қийин эмас. Шу билан бирга, Россияга нисбатан қўлланилаётган кескин иқтисодий чоралар **кутилган натижани** бермаяпти. Жаҳон банки жорий йил Россия иқтисодиёти ўсиш суръатини **8,9 фоизга** камайишини тахмин қилган бўлса-да, расмий Москва бу кўрсаткич **3,5 фоиз** атрофида бўлишини таъкидламоқда. Албатта, жаҳон ҳамжамиятининг кескин иқтисодий чоралари узоқ муддатда ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бироқ бу Россиянинг ташқи сиёсий амбицияларини ўзгартиришда ҳал қилувчи омил бўла олмапти.

Совуқ уруш, бу — ҳокимият учун курашнинг қўпол усули ҳамда халқаро муносабатлар қоидаларини белгилаш ваколати бўлиб, асосий ҳаракатлар фронт ортида кечади.

Хўш, янги совуқ урушнинг сабаби нима?

Биринчидан, Вашингтон узоқ йиллар давомида Россия ва Хитойни халқаро муносабатларнинг фаол иштирокчиси сифатида шаклланишига йўл қўймади.

Иккинчидан, сўнгги 30 йил мобайнида АҚШ халқаро муносабатларнинг муқобил янги моделини таклиф этмагани натижасида цивилизациялар, кадриятлар ва тузумлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви кескинлашди.

Аслида, Хитой ва Россияни яқкалаштириш сиёсати АҚШнинг стратегик хатоси бўлди. Хитой ўзга давлатлар ички сиёсатида аралашмаслик тамойилига қатъий риоя этган ҳолда прагматик иқтисодий сиёсатни амалга оширди. «**Бир макон, бир йўл**» стратегияси орқали Евроосиё минтақасини жонлан-тириш сари кескин қадамлар қўйиши ортидан Вашингтон билан зиддиятли ҳолатлар келиб чиқмоқда.

Россияга келсақ, АҚШнинг коммунистик ғоявий йўқотишнинг ўрнини босувчи ишловчан ва самарали тизимлар таклиф этмагани мазкур давлатнинг империалистик ёндашувларга қайта мурожаат қилишига мажбур қилмоқда.

Бугун **урушнинг Европага қайтиши** ва кескинлашувида АҚШ бошчилигидаги НАТО ташкилотининг масъулияти катта. НАТОнинг Шарққа кенгайиши ҳамда Россия манфаатларининг инобатга олинмаслиги бугунги халқаро муносабатлардаги тарангликни келтириб чиқарди. Европа давлатларининг мустақил ташқи сиёсий ҳаракатларни амалга ошириш имкониятларининг **чеклангани**, миллий манфаатларига зид бўлса-да, Хитой ва Россияга нисбатан иқтисодий санкцияларга қўшилишига олиб келмоқда.

НАТОнинг Яқин Шарқ, Афғонистон, Ҳинд-Тинч океани минтақасидаги геосиёсий жараёнлардаги иштироки халқаро

хавфсизлик тизимини издан чиқишига ва блокли ёндашувнинг устувор бўлишига олиб келмоқда.

АҚШнинг Тинч океани минтақасида Россия ва Хитойни жиловлашга қаратилган сиёсати табиий қарши реакцияни келтириб чиқармоқда. Хусусан, Хитой глобал хавфсизлик бўйича янги концепциясини эълон қилди. Концепциянинг асосий ғояси хавфсизликнинг бўлинмаслиги, ўз хавфсизлигини бошқа давлатлар хавфсизлиги ҳисобига мустаҳкамлашга йўл қўймаслик тамойилидир. Бу тамойил биринчи маротаба 1975 йил Хельсинки якуний актида кун тартибига қўйилган ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) фаолиятини асословчи ҳужжатлардан бўлган. Бироқ кейинги йилларда ЕХХТ ва НАТО ўз хавфсизлигини таъминлаш баробарида, айниқса, Россиянинг миллий манфаатлари билан ҳисоблашмай қўйди.

Трамп администрацияси даврдан фарқли ўлароқ, Байденнинг Россия йўналишидаги ташқи сиёсатида демократлар ва республикачилар ўзига хос бирликни намён этмоқдалар. Катта эҳтимол билан ўтмишдаги совуқ урушнинг **ғолиби** бўлган АҚШ ва унинг ҳамкорлари янги совуқ урушнинг **ижобий** натижасига умид қилмоқда. Бироқ АҚШнинг демократик кадриятларни важ қилган янги совуқ урушга даъвати дунёнинг **2/3 қисмини** ишонтираётгани йўқ. Хусусан, Шарқий Европа ва Яқин Шарқ минтақасини демократлаштириш жараёни бирлашмаган мусулмон дунёсида ғарбга нисбатан салбий муносабатни шаклланишига олиб келди.

АҚШ анъанавий тарзда халқаро муносабатлардаги ўзгаришларга бепсандлик билан ёндашмоқда. Берлин деворининг қулаши ортидан коммунистик тизимнинг таназули ва демократик кадриятларнинг ғалаба қозонгани АҚШнинг **руҳий**

ҳолатига катта таъсир кўрсатгани аниқ. Бироқ икки қутбли дунёнинг интиҳоси натижасида вужудга келган геосиёсий реаллик унинг фойдасига ҳал бўлди-ми? Совет иттифоқи тимсолидаги сиёсий рақибнинг саҳнадан тушиши, АҚШнинг халқаро жараёнларни тартибга солиш ва тизимлаштириш йўналишидаги фаолиятини кучайтиришга олиб келиши керак эди. Натижа эса ундай бўлмади.

Украина можароси Европанинг сиёсий эркинлик даражасини сезиларли даражада туширди. Россиянинг Украина масаласида қатъий ёндашуви икки томонлама тўқнашувнинг тобора кескин тус олишини таъминлаб бермоқда. Аслида, масаланинг моҳияти Россия ва Украина ўртасидаги ҳарбий можаро эмас, балки Украина ҳудудида Россия ва АҚШ миллий манфаатлари тўқнаш келганида. Европандан йироқда жойлашган АҚШнинг Россия билан манфаатлар тўқнашуви Европани **таназулга келтириш** билан ниҳоясига етиши мумкин.

Бугун Европа давлатларида миллий хавфсизлик ва кадриятларни ҳимоя қилиш борасида **узқони кўра олмаслик сиёсати** кузатилмоқда. Европа Украина масаласида сиёсий қарорларни қабул қилишда минтақа манфаатларини эмас, **океан орти ҳамкорини** кўпроқ ўйламоқда. Тўғри, Европа интеграцион платформаси ўз имкониятлари **чегарасига** келиши ортидан иқтисодий-сиёсий, ҳарбий йўналишлардаги ёндашувларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлмоқда. Либерализм ва демократик кадриятлар учун бонг уриб кураш қилган Европа, Яқин Шарқ мигрантларига нисбатан толерантликни кўрсатмади. Ғарб либерализми ва инсон ҳуқуқлари қаерда қолди? Ёки миллий хавфсизлик масалалари ҳар қандай кадриятлардан устунми?

Модомики, Европа ўз хавфсизлик тизимини АҚШ кўрсатма-

лари остида шакллантиришда давом этар экан, бу минтақа ҳар қандай халқаро зиддиятлар сценарийсида инкирозга учрашида давом этади. Шарқий Европа, Яқин Шарқ, Украина билан боғлиқ можаролар бунга яққол мисол бўла олади. Хусусан, минтақанинг энергия хавфсизлиги масалалари бўйича муаммоларга дуч келиши ҳам АҚШнинг шарофати билан амалга оширилди. **Европа аҳолисининг ижтимоий муаммолари океанортини ўйлантираётгани йўқ.**

Аслида, бугунги халқаро муносабатлар ҳолати совуқ урушдан фарқ қилади. Шартли равишда бўлса-да, ғоявий қарама-қаршиликларнинг йўқлиги ҳамда ядро қуролининг қўлланилишига бўлган **юзак ёндашув** глобал хавфсизлик борасида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Халқаро ҳамжамият Иккинчи жаҳон урушининг сабаб ва оқибатларини унутган кўринади. Айниқса, Европа давлатларининг Украинадаги ҳолат ядровий тўқнашувга олиб келиши борасидаги қарашлари минтақавий ва глобал зиддиятлар моҳиятини тўғри англаб етмаётганидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, янги совуқ урушнинг моҳияти ва ўзига хос жиҳатларини очиб беради.

Шу билан бирга, Иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклланган халқаро муносабатлар тизими ўз таъсир кучини йўқотганини кузатиш мумкин. БМТ халқаро масалаларда кўпроқ кузатувчи мақомида бўлиши ортидан давлатлар ўртасидаги низолар куч ишлатиш механизмлари орқали ҳал этилмоқда. Жараён шу тарзда давом этар экан, яна ғоявий ва блокли зиддиятларга қурилган халқаро муносабатлар тизими кучайиб бораверади.

Умид МАҲМУДОВ,
сиёсий фанлар доктори,
Ислон цивилизацияси
маркази бўлим бошлиғи.

ЭҲТИРОМ

Тадбирда туман ривожига меҳнати сингган меҳнат фахрийларининг ҳаётига бағишланган ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Мазкур фильмларда уларнинг ҳар бири ҳақида, машаққатли умр умр ва меҳнат йўллари ҳикоя қилинди.



НУРОНИЙЛАР ЭЛНИНГ ЮЗИ, ҚУТ-БАРАКАСИ

Сўнги йилларда юртимизда ўзига хос анъанага айланган тарих, бугун ва келажакни ўзида мужжасам этган «Уч авлод учрашуви» маънавий-маърифий тадбирлари юртдошларимиз ҳаётида жуда катта аҳамият касб этиб бормоқда. Бундай учрашувлар ёшларимизга кекса авлод вакилларининг ҳаёт ва меҳнат фаолияти даврида тўплаган бой тажрибаси, ёшлик йилларида кечирган ўзига хос қийинчиликлари ҳақида яқиндан танишиб, ҳаётини ҳулосалар чиқариши учун имконият яратади. Жойларда айни мавзудаги тадбирлар давом этмоқда.

БУХОРО ВИЛОЯТИ.

Вилоятнинг барча туман-шаҳарларида «Уч авлод учрашуви» тадбирлари қизғин руҳда ўтказилмоқда. Қорақўл туманида ташкил этилган ана шундай учрашув доирасида дастлаб иштирокчиларга туманда амалга оширилаётган улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари яқиндан таништирилди. Жумладан, нуронийлар, ёшлар ва ўрта авлод вакиллари «Хўжалар» маҳалласида қад ростлаётган кўп қаватли уйларнинг қурилиш жараёни, «Янги Ўзбекистон» масивида фойдаланишга топширилган 330-ўринли янги мактаб биносидан эртанги кун эгалари учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Уч авлод вакилларининг кейинги манзили «Чекирчи» маҳалласида саховатпеша инсонлар кўмагида бунёд этилаётган «Қобул ота» жомеъ масжиди бўлди. Масжиднинг ички сиғими 5 мингдан ортиқ намозхонга ибодат қилиш имкониятини берса, ҳовли билан ҳисоблаганда 10 минг киши бир вақтнинг ўзида ибодатини амалга ошира олади. Тадбирнинг эсда қоғазлари қисми туман маданият маркази томоша залда Бухоро вилояти мусиқали драма театри актёрлари томонидан саҳналаштирилган «Тухматчилар жазоси» номли спектакль томошаси бўлди. Шундан сўнг уч авлод вакиллари учун «Муҳташам» тўйхонасида бай-

рам дастурхони ёзилди.

— Кексалик бекорчилик эмас, балки энг масъулиятли давр эканини ҳис этган ҳолда, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни халққа тўғри, халқона тушунтиришга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди меҳнат фахрийси Файзулла Бебутов. — Бугунги тадбирда айтилган фикрларни эшитиб, зимма-зиммадаги масъулият юқини яна бир бор чуқур англадик. Бундай эътибор ва ғамхўрлик ҳар бир кекса нуронийга куч-ғайрат, шижоат бағишлайди. Биз бор кучимиз билан юртимиз раванки йўлида хизмат қилишда давом этиб, ёш авлодга ўрнак бўлишдан мамнунмиз. Ёшларга айтар сўзим: ўқинг, изланинг, меҳнат қилинг, ҳалол бўлинг — шунинг ўзи сизларни катта марраларга элтади.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ.

Олтинсой туманида улуғларимиз, ўрта авлод вакиллари ҳамда эртамиз эгаларини жам қилган дилбар давра бугунги тинч ва фаровон кунлар, обод масканлар, миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликда бугундан рози бўлиб умргузаронлик қилаётган ҳамюрларимизнинг шукроналика йўғрилган сўхбатларига бой бўлди.

— Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларга эътибор берсангиз, янгиланишлар шиддати ва тараққиёт одимидан вақт тезлашгандек туюлади, — дейди меҳнат фахрийси Бобоназар ҳожи

Тошбоев. — Шу қисқа даврда йиллаб ечимини кутиб турган муаммолар барҳам топаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Катта марралар олиниб, одамларни ҳаётдан рози қилишга қаратилган дастурлар амалга оширилаётганини кузатяпмиз. Ижтимоий-иқтисодий, қурилиш, илм-фан, хизмат курсатиш, маънавий-маърифий ва бошқа барча соҳаларда мисли қўрилмаган ютуқларга эришилмоқда. Эндиликда бугунги ҳаёт билан ўтмишдаги шароитларни таққослаб, эришилаётган ютуқларимиз ортида турган фидокорона меҳнатлар қадрига етишимиз зарур. Бу жараёнда биз, кекса авлод вакиллари ёшларга ибрат бўлиб, тинч, обод Ватанимизга муносиб ўғил-қизларни тарбиялашимиз керак. Мазкур учрашув ҳам ана шундай улуғвор мақсадларга йўналтирилгани билан ёшу катта иштирокчиларда катта кизиқиш уйғотди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ.

Қўшқўпир туманидаги олис «Ошоқ қалъа» маҳалласида ўтказилган «Уч авлод учрашуви» ҳам самимий мулоқотларга бой бўлди. Ёши улуг отахон ва онахонлар билан сўхбатлашар экансиз, улар тилидан тушмаётган шукроналик, эл-юртга тинчлик-омонлик, элга тўқтин-сочинлик тилаб қилинаётган дуолардан кўнгилда ёруғ туйғулар уйғонади. Ҳаётнинг не-не сир-синаотларини кутилган-кутилмаган қийинчиликларига дош бериб, ёруғ кунларга ишончларини сусайтирмай яшаган бундай инсонларнинг ибратли умр йўли нафақат уларнинг ўғил-қизларига, балки бугун катта ҳаёт оstonасига қадам қўяётган барча ёшларга сабоқ бўлишга арзийди.

Тадбирда туман ривожига меҳнати сингган меҳнат фахрийларининг ҳаётига ба-

ғишланган ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Мазкур фильмларда уларнинг ҳар бири ҳақида, машаққатли умр умр ва меҳнат йўллари ҳикоя қилинди. Экранда акс этган лавҳалар нуронийлар, уларнинг яқинлари учун кутилмаган совға бўлди. Буни уларнинг юз-кўзидан, ҳаяжонларидан сезиш қийин эмас эди.

— Ўзбекистоннинг энг чекка қишлоғида ташкил этилган тадбир қалбимизда узоқ вақт сақланиб қолади, — дейди меҳнат фахрийси Ойбиби Худайберганаева. — Ҳоким ўринбосари бўлиб ишлаган даврида шу қишлоққа вақил этиб тайинланган эдим. Уша вақтларда қишлоқ кўчалари ёзда чанг, қишда лой билан қопланарди. Бугун эса манзара буткул ўзгарган: ҳамма жой обод, кўчалар асфальт бўлган, маданият саройи, қатор ижтимоий объектлар аҳоли хизматида. «Уч авлод учрашуви»да бундай ўзгаришлар ўз-ўзидан амалга ошмаётгани, бунинг замирида инсон қадрини улуғлашдек олижаноб мақсад ётганини ёшларга тушунтириб бердик. Бу кунларнинг қадрига этиб, шукрона қилиш бурчимиз эканини яна бир карра таъкидладик.

Ёш авлод вакиллари нафақат ҳозирги қаҳрамонларни, балки бугун орамизда бўлмаган-да, яқин ўтмишда ўтган фидойилар ҳақида ҳам билиши лозим. Учрашув иштирокчилар-

рига умри давомида вилоятнинг ҳар томонлама ривожланишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган фидойилар ҳақида ҳақидаги фильмлар ҳам намойиш этилди. Мазкур фильмлар ёшлар учун катта мактаб вази-фасини ўтаб берди. Даврадаги самимий ва дилкаш сўхбатлар, катта ҳаёт тажрибасига эга ёши улуглар билан мулоқотлардан тўлқинланган ёш авлод вакиллари ҳам ўзларининг дил сўзларини яширмади.

— Интилиш ва изланишлар ҳар доим ўз натижасини кўрсатади, — дейди тадбир иштирокчиси Сирожбек Шомуродов. — Бу ҳаракатларни эса аждодлар мероси, уларнинг бой тажрибаси билан бевосита бирлаштириш муваффақият гарови. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш учун эса биз, ёшлар учун нафақат ўткир зеҳн ва ақл, замонавий билимлар, балки кекса авлод вакилларининг катта ҳаёт мактабидан олган сабоқлари, миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат, Ватанга бўлган муҳаббат садоқат, шу билан бирга, юртимиздаги ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан яшаш ҳам талаб этилади. «Уч авлод учрашувлари» ана шундай кучли руҳий қувват бераётган мактаб вази-фасини ўтаб бераётганига яна бир бор амин бўлдик.

Байрам тантаналари вилоят санъат усталари иштирокидаги катта концерт дастурига уланиб кетди.

Ҳа, кексаларни эъзозлашдек инсонпарварлик замирида улкан маъно-мазмун мужжасам. Зеро, фарзандлар камоли — юрт қудратини, аёлларга муносабат — маданиятимиз даражасини, кексаларга ҳурмат ва эътибор — маънавиятимиз истиқболини белгилайди. Кексалар ибратини олган инсон ҳаётда адашмайди, ўз мақсадлари сари интилади. Зотан, насиҳатгүй нуронийлари бор элга қут-барака ёғилади.

Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОВ
Ижодий гурӯҳ:
**Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
Улўғбек ИБОДИНОВ**
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазириликнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyji» МЧЖ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоиси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 4 босма табоқ.
7 825 нусxada чоп этилди.
Буюртма №: Г-1218
Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

